Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № № 71–72 (7. 160–7. 161) 1990 йил 29 март, пайшанба Баҳоси 3 тийин

КПСС янги Уставининг лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг Пленумида муҳокама қилиниб, принцип жиҳатдан маъқулланганлиги газетхонларга маълум. Пленумнинг топшириғига биноан, бўлиб ўтган мунозара якунларига мувофиқ таҳрир комиссияси ва Марказий Комитет Сиёсий бюроси Устав лойиҳасини пухта ишлаб чиқиб, бу ҳужжатни КПСС Марказий Комитети аъзоларига, шунингдек республика, ўлка ва область партия комитетларининг секретарларига юборди. Улардан тушган мулоҳазалар эътиборга олинди ва КПСС Устави лойиҳаси ялпи муҳокама учун эълон қилинмоқда.

ЛОЙИҲА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — ўзини ўзи бошқарадиган ижтимоий-сиёсий ташкилот, маслакдош коммунистларнинг ихтиёрий бирлашмаси. У Маркс, Энгельс, Ленин ғояларини ижодий ривожлантиришга асосланиб, коммунистик истиқболни қўзлаб, мамлакатда инсонпарвар, демократик социализм қуришни, байналмилалчилик, умумбашарий қадриятларни қарор топтиришни ўзига мақсад қилиб қўяди. КПСС ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг танлаб олган социалистик йўлига таянади, халқнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, кўп миллатли совет жамиятини ўзининг сиёсий ҳаракат дастури негизида жипслаштиришга интилади.

I.

КПССга АЪЗОЛИК

1. 18 ёшга тўлган, партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, унинг ташкилотларидан бирида ишловчи ва аъзолик бадалларини тўлаб турувчи СССРнинг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади.

2. Партиянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар: партиянинг ички ва ташқи сиёсати, партия турмушининг ички масалаларини ўртага қўйиш ва эркин муҳокама қилиш, қарорларни ишлаб чиқишда қатнашиш, барча поғоналардаги партия органларини сайлаш ва уларга сайланиш ҳамда уларнинг ишини назорат қилиш, ҳар қандай партия органини, ҳар қандай коммунистни, эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар, танқид қилиш, ҳар қандай партия идорасига ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш ҳамда ўз мурожаатининг моҳияти юзасидан жавоб олиш, ўз фаолияти ёки хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида партия органи ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

КПССга аъзолик коммунистга афзаллик бермайди ҳамда гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликларини чекламайди. У, фаолияти СССР Конституцияси асосига қурилган ва социалистик ғояга зид келмайдиган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари ишида қатнашишга ҳақлидир. КПСС аъзоси бошқа сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкин эмас.

3. КПСС аъзосининг вазифаси партиянинг жамиятдаги авангардлик позицияларини таъминлаш учун курашиш, унинг сиёсий йўлини меҳнат коллективларида ва аҳоли орасида, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларида изчиллик билан ўтказиш, партия қарорларини бажариш, коммунистик ғояларни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш, қонунийликка ва ижтимоий аҳлоқ нормаларига оғишмай риоя этиш намунасини кўрсатишдан иборат.

4. КПСС аъзолигига якка тартибда, демократик асосда ва ошкора қабул қилинади. КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бошланғич партия ташкилоти ўзининг очиқ йиғилишида чиқаради. Йиғилишнинг қарори узил-кесилдир. КПССда ягона партия билети бўлади, партия аъзоларини ҳисобга олиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилаб беради.

Камида 40 йил партия стажига эга бўлган КПСС аъзосига унинг партиядаги узоқ вақт фаол ишлаганини эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилотининг район, шаҳар партия комитети томонидан тасдиқланадиган қарори билан «КПСС ветерани» фахрий унвони берилади.

5. Партияга доғ туширадиган, унинг Устави талабларига мувофиқ келмайдиган феъл-атвори учун партия аъзоси КПССдан чиқарилганидан кейин бошланғич партия ташкилотининг ёки юқори партия органининг қарорига биноан КПССга аъзолик тўхтатилади. Суд томонидан жавобгарликка тортиладиган жиноят қилишда айбдор деб топилган партия аъзоси ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин КПССдан чиқарилиши лозим.

Партия аъзосининг КПССдан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан партияга аъзолик тўхтатилиши мумкин, бу ариза бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади.

КПСС аъзолигига қабул қилиш пайтида ва партиядан чиқариш пайтида, агар йиғилишда ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми, мазкур ташкилот ҳисобида турганларнинг ярмидан кўпроғи қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда, бу қарор ҳақиқий деб ҳисобланади.

Сайлаб қўйилган партия органи таркибига кирувчи КПСС аъзосини партиядан чиқариш тўғрисидаги масала у ҳисобда турган ёки уни мазкур органга тавсия қилган бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилади. Бошланғич партия ташкилотининг фикрини эътиборга олиб ва унинг вакили иштирокида бу масала сайлаб қўйилган органнинг пленумида мажлисда ҳозир бўлганлар овозларининг учдан икки қисмидан иборат ва унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган кўпчилик билан ҳал этилади.

Партиядан чиқарилган киши бир йил давомида, вазият ўзгарган тақдирда эса истаган вақтида партиянинг назорат-тафтиш органларига шикоят аризаси беришга ҳақлидир. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой ичида кўриб чиқилади.

Партия интизоми ва ахлоқ-одобини бузганлик учун партия аъзоларига нисбатан ўртоқларча танқид, танбеҳ бериш ёки ҳайфсан эълон қилиш тарзида партиявий тарбия ва таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

II.

ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИ

6. КПСС ғоявий бирлик ва партиявий ўртоқлик асосида, ўзини ўзи бошқариш принциплари негизида яшайди ва ишлайди, бу принциплар партиялилар оммасининг ҳокимиятини, партия ички муносабатларининг ҳар томонлама демократизмини коммунистларнинг онгли интизоми ва уюшқоқлиги билан бирга қўшади.

Партияда фикрларни изҳор этиш эркинлиги, турли қарашлар ва ҳаракат дастурларини таққослаш, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқид таъминланади. Айрим ташкилотлар, КПСС доирасида умуман партия ва мамлакат турмушининг долзарб масалалари юзасидан мунозаралар ва референдумлар ўтказилиши, уларнинг якунлари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниши мумкин.

7. Партия ташкилотлари ўзларининг ички турмуши ва фаолияти қурилишда мустақилдирлар. Уларнинг қарорлари КПССнинг Программавий мақсадларига ва Устав нормаларига зид бўлмаса, юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга оид қарорлар бундан мустаснодир.

8. Партия ташкилотлари ва комитетларининг иши демократия усулларида ўтказилади, субъективчилик ва якка ҳокимиятчиликни истисно қиладиган коллективчилик негизларига қурилади. Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул этишдаги коллегиаллик коммунистларнинг шу қарорларни бажариш учун шахсий масъулияти билан бирга қўшиб олиб борилади.

Партия органлари ишнинг асосий йўналишлари юзасидан доимий комиссиялар тузадилар, шунингдек муваққат комиссиялар ва ишчи группаларни ташкил этадилар, коммунистларни ва бошқа гражданларни штатсиз асосда ўз фаолиятига жалб қилишнинг бошқа усулларидан фойдаланадилар.

9. Партия ташкилотлари раҳбар органлари ва уларнинг аппарати ошкора ишлаб, партия қарорларига биноан партия йиғилишлари, конференциялари, съездларининг, комитетлар ва бюролар мажлисларининг ошкора тарзда ўтишини, уларда партия матбуотининг иштирокини таъминлайдилар, ўз фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ва бошқа йўллар билан коммунистлар ва партиясизларни муntазам хабардор қилиб турадилар. Коммунист ўз бошланғич партия ташкилоти бюроси ёки парткомининг мажлисида ҳозир бўлишга ҳақлидир. Сайлаб қўйилган партия органининг аъзолари ўзига қарашли органларнинг, шу жумладан партия комитети бюросининг мажлисларида бемалол иштирок этиш, шунингдек партком ва унинг аппарати ихтиёридаги ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

10. Партиядаги ҳамма раҳбар органлар сайлаб қўйилади. Улар номзодларни кенг муҳокама қилиш ва коммунистларнинг фикрини имкони борича кўпроқ ҳисобга олиш шароитида, асосан муқобиллик негизида, яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Партия аъзолари сайловда истаганча номзод, шу жумладан ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади. Бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз, йиғилишда қатнашган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатлари, партия комитетининг ёки сайлаб қўйилган бошқа органнинг аъзолари овозлари ярмидан ортиғини олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Делегатлар номзодини кўрсатиш ва сайлашда коммунистлар юқори партия органлари таркибига номзодлар юзасидан таклифлар киритадилар, бу таклифлар шу органларни тузадиган конференция, съезд томонидан кўриб чиқилади.

(Давоми иккинчи бетда).

Президентлик Кенгашининг биринчи мажлиси

27 март куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Президентлик Кенгашининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисда Кенгаш аъзолари Ч. Айтматов, В. В. Бакатин, В. И. Болдин, А. Э. Каулс, В. А. Крючков, Ю. Д. Маслюков, Ю. А. Осипьян, Е. М. Примаков, В. Г. Распутин, Г. И. Ревенко, Н. И. Рижков, С. С. Шаталин, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, В. А. Ярин қатнашдилар.

Мажлисда СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов ҳозир бўлди.

СССР Президенти М. С. Горбачев Кенгаш аъзолари ҳузурида нутқ сўзлади.

Президент нутқида кўтарилган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачевнинг СССР Президентлик Кенгашида 1990 йил 27 мартда сўзлаган нутқи бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.



⊙ МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ. Тошкентдаги «Лола» уя-элик фабрикасининг ишчиси Муножот Мирзаева. Т. Каримов сурати.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов республика ҳукуматининг янги состави юзасидан таклифлар киритди. Олий Совет ушбу таклифларни доимий комиссияларда дастлабки тарзда муҳокама этиш учун топширишга қарор қилди.

Шундан сўнг Ш. Р. Мирсаидов ҳукуматнинг келгусидаги фаолият программаси ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Б. М. Маҳмудов, А. Х. Тожиев, Т. Б. Режапов, Б. Қ. Алиев, Э. Н. Ҳўжаев, С. Умаров, А. А. Қаландаров, Э. Т. Шайхов, В. А. Паттаев, В. Н. Сигедин, С. Т. Жўраева, М. О. Қобилов, Х. Э. Бердиев, Т. П. Хидиров, З. Иброҳимова, Т. Р. Қиличов, В. И. Криворучко, И. Юсупов, Т. Зоҳидбоева, Қ. Ҳалимбетов, С. Тошпўлатов, В. С. Содиқов сўзга чиқдилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг маърузаси юзасидан қарорлар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи таҳрир комиссиясини тузди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига мувофиқ Р. А. Хачатуровни Ўзбекистон ССР Давлат бош ҳаками этиб тайинлади.

Олий Совет Ш. З. Уразаевни Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг Раиси этиб сайлади.

Сессияда Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг аъзолари тасдиқланди.

* * *

28 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Доимий комиссияларнинг мажлиси бўлди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов тақдим этган республика ҳукумати янги таркибига номзодларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг аъзолигига номзодлар, шунингдек область ва Тошкент шаҳар судларига номзодлар муҳокама қилинди.

29 март куни сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи шундай сарлавҳа остида бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Бутун республикамиздагидек, Тошкент шаҳрида ҳам «Иш билан бандлик» дастури ишлаб чиқилмоқда. Ана шу дастурни амалга оширишдан кўзда тутилган мақсад аҳолининг иш билан тўлиқ ва самарали банд бўлишини, меҳнатга лаёқатли барча гражданларнинг конституцион ҳуқуқини таъминлашдан, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришдан иборатдир.

Шу муносабат билан шаҳарда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган шахсларнинг иш жойини, ишламаётган ва ўқимаётган барча тоифадаги меҳнатга лаёқатли гражданларни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ҳисобдан ўтказилади.

Ишламаётганларга шахсий ҳисоб карточкалари тутилади. Унда ишламаётган кишининг ихтисослиги, қандай шароитларда ишлаши мумкинлиги ва бошқа маълумотлар қайд этилади. Карточкалар ҳисобга олинаётган кишиларнинг шахсан ўзи томонидан, ана шу ишни амалга ошираётган ҳисобчи-ходимлар ҳозирлигида тўлдирилади.

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Тегишли территориялардаги район Советлари ижроия комитетларининг бланкасида шахсий гувоҳнома-си бўлган ҳисобчилар сизга мурожаат этган тақдирда, шахсий карточкаларда кўрсатилган саволларга тўлиқ жавоб беришингизни сўраймиз. «Иш билан бандлик» шаҳар ва район дастурларининг нақадар сифатли ва пухта ишлаб чиқилиши ана шунга боғлиқдир.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

«Ўзбекистон ўқитувчиси—90» махсус поезди

27 март куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Уни шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов олиб борди. Кенгашда «Ўзбекистон ўқитувчиси — 90» махсус поездини тузиш масаласи батафсил муҳокама қилинди. Бундай поезд Тошкент шаҳар партия комитетининг, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармасининг ва «Тошкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўшма қарорига мувофиқ биринчи мартга ташкил этилмоқда. Унда Ўзбекистон пойтахти мактабларининг энг яхши ўқитувчилари, болалар боғчаларининг педагог ходимлари ва халқ таълимининг бошқа мутахассислари мамлакатимиз қардош республикаларининг шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқадилар. Улар Харьков, Киев, Львов, Ужгород, Мукачево, Рахов, Черновци, Кишинёв, Одесса, Волгоград шаҳарларида бўладилар.

Халқ таълими ходимларининг яхши меҳнати ана шундай ўзига хос тақдирланмоқда: қизиқарли саёҳатнинг барча 380 қатнашчисига йўлланмалар бепул берилмоқда, 20 кунлик саёҳат меҳнат дам олишига таъсир этмайди.

Мукофот тариқасидаги саёҳат сафарини унинг қатнашчилари учун катта наф билан ўтказишга қарор қилинди. Саёҳатнинг қизиқарли, турли тадбирларга бой бўлиши кутилади. Унда халқ таълимини қайта қуришнинг қатор назарий ва амалий қоидаларини муҳокама қилиб, иш тажрибаларини алмашиш, Украина, Молдавия, РСФСР шаҳарларида халқ таълимининг ислоҳи қандай бораётганлиги билан, ана шу шаҳарларнинг энг яхши мактаблари иш тажрибалари билан танишиш ва одатда саёҳат программаларига киритиладиган шаҳар бўйлаб саёҳатлар кўзда тутилган.

В. ОРИПОВ.

Ўзбекистон ССР Президентининг матбуот конференцияси

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 27 март куни матбуот конференцияси ўтказди. У журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ

У С Т А В И

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Район, районларга бўлинмаган шаҳар ва округ партия конференцияларига делегатлар бошланғич партия ташкилотларида сайланади. Шаҳар ва округ (районларга бўлинган), область, ўлка конференцияларига, Иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига, КПСС съездига делегатлар сайлаш бошланғич партия ташкилотлари томонидан албатта номзодлар кўрсатилиб, одатда коммунистларнинг бевосита овоз бериши йўли билан ўтказилади. Сайлов тартибини тегишли партия комитети муайян территория коммунистларининг камида ярми ёқлаб чиққан таклифлар асосида белгилайди. Шу мақсадда референдум ёки сўров ўтказилиши мумкин.

11. Партияда райкомдан бошлаб юқоригача сайлаб қўйиладиган барча шахслар бир лавозимнинг ўзига сурункасига икки мартадан ортиқ сайланмайдилар. Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари таркиби ташкилот аъзолари учдан бир қисмининг талабига биноан ёки сайлаб қўйилган органнинг айрим ёки барча аъзолари ихтиёрий истеъфога чиқиши тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўлатўкис қайта сайланиши мумкин.

Район, шаҳар, округ, область, ўлка партия комитетларининг, Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС Раиси ва унинг ўринбосарлари тегишли конференция ва съездларда сайланади. Овоз бериш бюллетенига исталганча номзодлар киритилади. Шу билан бирга мазкур мансабдор шахсларни келгусида муддатидан аввал қайта сайлаш тартиби белгилаб қўйилади.

12. Партия комитетлари ўз партия ташкилотларига ва юқори органларга ҳисоб бериб турадилар. Партия комитетларининг бюролари ҳар йили пленумларда, партия комитетлари ва партия бюролари эса бошланғич ва цех партия ташкилотларининг йиғилишларида ҳисоб бериб турадилар. Партия сайлаб қўйилган органининг ҳар бир аъзоси ўз иши ҳақида уни сайлаган ёки тавсия этган партия ташкилотлари олдида ҳисоб бериб туради.

13. Қарорлар қабул қилишда партия ташкилотлари ва комитетлари ҳамма фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқишга мажбурдирлар. Озчилик ўз позициясини ҳимоя қилиш, ўзининг алоҳида фикрини протоколларда қайд эттириш, баҳсли масалаларни ўз ташкилотида такрор кўриб чиқишни талаб қилиш ёки бу масалаларни юқори органлар олдига қўйиш ҳуқуқига эгадир. Шу билан бирга кўпчилик томонидан қабул этилган қарор ҳамма учун мажбурийдир.

Партия комитетларининг ижроия органлари (президиум, бюро)да фикр бир жойдан чиқмаган тақдирда, қарор лойиҳаси такрор муҳокамага қўйилади ва овозларнинг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Партия органларининг қарорлари қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир. Қуйи ташкилотлар бу қарорларнинг амал қилишини тўхтатмай, юқори партия идораларига мурожаат этиб, улар хусусида баҳс юритишлари мумкин.

14. Партиянинг сайлаб қўйилган раҳбар органлари ўзларига бўйсунадиган иш аппаратини тузадилар, бу аппарат асосан таҳлил, прогноз-социология ва маслаҳат тарзида уларнинг фаолиятига хизмат қилади. Партия аппарати сайлаб қўйилган орган томонидан бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилинган тавсиялар асосида тузилади. Партия аппаратининг ходимларига меҳнат қонунлари жорий этилади.

15. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари партиянинг кадрлар сиёсатини амалга ошириб, коммунистларни ва партиясизларни давлат, хўжалик, жамоат фаолиятининг аниқ соҳаларига тавсия этадилар. Улар сиёсий усуллар билан иш кўриб, ўзлари тавсия этган кишиларнинг тегишли лавозимларга сайланишига ёки тайинланишига ҳаракат қиладилар, уларни қўллаб-қувватлайдилар, коммунистларнинг иши ҳақидаги ҳисоботларини тинглайдилар, шу аснода чиқарилган хулосалар ва берилган тавсияларни ошкор этадилар.

16. Партия ташкилотлари давлат қонунларига биноан ўз мақлаларига ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда газета ва журналлар, бюллетенлар, ташвиқот, маълумот-ахборот материаллари ва бошқа материалларни нашр этиш, тегишли редакцияларни ташкил этиш, шунингдек телевидение ва радиоэшиттириш студияларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Партиянинг оммавий ахборот воситалари партия комитетларининг раҳбарлигида ишлайдилар, партия комитетлари оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларини тасдиқлайдилар. «Правда» газетасининг бош муҳаррири КПСС Марказий Комитетининг Пленумида тасдиқланади.

III.

ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

17. КПСС ишлаб чиқариш ва территориал белгиларга қараб демократик марказчилик қоидаси асосига қурилади ва бошланғич, район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотларидан, Иттифоқдош республикаларнинг Компартияларидан иборат қилиб тузилади. Муайян территория коммунистларини бирлаштирувчи партия ташкилоти унинг таркибига кирувчи ташкилотларга нисбатан юқори ташкилот ҳисобланади.

Зарур ҳолларда партия ташкилотлари секретарларининг кенгашлари, партия клублари, назарий семинарлар, мунозара марказлари ва партиявий ишнинг бошқа шакллари вужудга келтирилиши ва ишлаши мумкин, улар коммунистларни муайян соҳалар ва муаммолар бўйича бирлаштиради. Улар КПССнинг программавий йўл-йўриқларига асосланиб турли масалаларни муҳокама қилади, шу масалалар юзасидан ўз позицияларини ишлаб чиқади, ҳар қандай даражадаги партия комитетларининг муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритади.

КПССда партия программавий мақсадларига мос келмайдиган ўзининг ички ташкилоти ва интизомига, ғоявий йўл-йўриқларига эга бўлган фракциялар тузилишига йўл қўйилмайди.

ПАРТИЯНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

18. Бошланғич ташкилотлар партиянинг негизидир. Улар партия аъзолари ишлайдиган ёки яшайдиган жойда КПССнинг камида 3 аъзоси бўлган тақдирда тузилади.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида партия группалари ва цех ташкилотларини тузиши мумкин. Цех ташкилотларига аъзоларининг сонига қараб район, шаҳар партия комитетининг руҳсати билан, КПССга аъзолик билан боғлиқ масалалар юзасидан бошланғич ташкилотлар ҳуқуқи берилади.

Ўз вазифаларини ва ўз фаолияти шароитларини эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул қилиш ва КПССга аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналишлари ва усулларини, йиғилишлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, сиёсий тадбирларни, молиявий фаолиятни белгилаш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, совет ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўядилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия ғояларини, унинг қарорларини тарғиб қиладилар ва турмушга тадбиқ этадилар, ижтимоий адолат қоидасини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар, меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида сиёсий ҳамда ташкилотчилик ишини олиб борадилар, ўзини ўзи бошқаришнинг демократик воситаси орқали кадрларнинг фаолиятига, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир ўтказадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эгадирлар, партия органи бу муносабатга моҳият эътибори билан жавоб қайтариши шарт.

19. Умумий йиғилиш (конференция) бошланғич партия ташкилотининг олий органидир, у, башарти КПСС аъзоларининг (делегатларнинг) ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайловда эса камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Кундалик ишни юритиш учун йиғилиш (конференция) икки-уч йил муддатга ижроия орган —партия бюроси (комитети)ни ва унинг секретарини сайлайди. Коммунистлар 15 нафардан кам бўлган партия ташкилотларида йиғилиш белгилаб қўйган муддатда ва тартибда партия ташкилотининг секретари ва унинг ўринбосари, партия группаларида — партия группаси ташкилотчиси сайланади.

Бошланғич партия ташкилотининг секретари меҳнат коллективидаги ва унинг ташқарисидаги маъмурият, ўзини ўзи бошқарадиган органлар, жамоат ташкилотлари билан муносабатларда бошланғич партия ташкилоти номидан вакиллик қилади. Секретарни коллективдан ишдан бўшатиш тўғрисидаги масала партия йиғилишида (конференция)да кўриб чиқилиши лозим.

20. Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини, жумладан маош олиб ишлайдиган ходимларни пул билан таъминлаш учун аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

ПАРТИЯНИНГ РАЙОН, ШАҲАР, ОКРУГ, ОБЛАСТЬ ВА ЎЛКА ТАШКИЛОТЛАРИ

21. Бошланғич партия ташкилотларини бевосита бирлаштирадиган район ва шаҳар партия ташкилотлари партиянинг таянч тузилма бўғинидир. Йирик шаҳарлардаги район ташкилотлари шаҳар партия ташкилотларига бирлашишлари мумкин.

Конференция район, шаҳар партия ташкилотининг олий органидир. Конференция беш йил муддатга район, шаҳар партия комитетини, шунингдек назорат-тафтиш комиссиясини сайлайди. Партия комитетининг қарорига биноан ёки коммунистларнинг камида учдан бир қисмини бирлаштирадиган бошланғич ташкилотларнинг талабига мувофиқ навбатдан ташқари партия конференцияси чақирилади.

Район, шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг фикрларини эътиборга олиб, район, шаҳар комитетининг бюросини, секретарларини сайлайди, ўз аппаратини, моддий-молиявий базасини вужудга келтиради. Район, шаҳар комитети бошланғич партия ташкилотларини рўйхатга олади, уларга зарур ёрдам беради, коммунистларни ҳисобга олиб боради.

Район, шаҳар партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб ва йўналтириб турадилар, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга кўмаклашадилар, улар билан биргаликда партия сиёсати ва қарорларини тушунтирадилар, меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида бу қарорларни амалга ошириш ишини ташкил этадилар, аниқ ижтимоий-иқтисодий, маданий муаммоларни ва бошқа муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига қўядилар, уларнинг ҳал қилинишига кўмаклашадилар.

22. Ўлка, область, округ партия ташкилотлари партия сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар ҳамда ўлка, область, округ доирасида бу сиёсатни амалга ошириш ишларини ўтказадилар, юқори партия органларининг қарорлари ижросини уюштирадилар.

Партия конференцияси ўлка, область, округ партия ташкилотининг олий органидир. Конференция ўлка, область, округ партия комитетини, шунингдек назорат-тафтиш комиссиясини беш йил муддатга сайлайди. Навбатдан ташқари конференциялар тегишли комитетнинг қарорига мувофиқ ёки муайян ташкилот аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми талабига биноан чақирилади.

Конференциялар, шунингдек партия комитетларининг заруратга қараб, лекин йилига кам деганда икки марта чақириладиган пленумлари региондаги сиёсий, миллий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этиш программаларини ишлаб чиқади ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва аҳолига тақдим қилади. Уларда партия ички турмуши масалалари, кадрларга доир ишлар, партия ташкилотининг бюджети, ноширлик фаолияти масалалари кўриб чиқилади.

Ўлка, область, партия комитетлари ўз ташкилоти тузилиши масалаларини, шу жумладан район, шаҳар партия комитетларини ташкил этиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, энг катта бошланғич партия ташкилотларига КПСС аъзоларини ҳисобга олиш масалаларида район партия комитети ҳуқуқини берадилар.

Ўлка, область ва округ партия комитетларининг бюролари, секретарлари тегишли пленумларда сайланади.

23. Район, шаҳар, округ, область ва ўлка партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари ўз бюросини, камида беш йиллик партия стажига эга бўлган комиссия раисини сайлайдилар. Назорат-тафтиш комиссиялари партия интизомини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг партиявий ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қиладилар, партия аъзоларининг шикоят, аризаларини кўриб чиқадилар, партия бюджети ижросини назорат қиладилар. Назорат-тафтиш комиссияси район, шаҳар, округ, область ва ўлка партия конференцияси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ишлайди.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯЛАРИ

24. Иттифоқдош республикаларнинг Коммунистик партиялари КПСС Программаси ва Устави доирасида мустақилдирлар. Улар ўз программавий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқадилар, ана шу ҳужжатларга мувофиқ равишда ташкилий, кадрларга доир, ноширлик ва молия-хўжалик масалаларини ҳал қиладилар, республикаларнинг давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти соҳасидаги сиёсий йўлни ўтказадилар, гражданларни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, миллий ва байналмилал манфаатларни бирга қўшиб олиб бориш учун курашадилар, байналмилал онгни тарбиялайдилар. Иттифоқдош республикаларнинг Компартияларн бошқа партиялар, шу жумладан чет эл партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа боғлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва комиссияларининг Иттифоқдош республикалар Компартияларига таллуқли принципиал қарорлари уларнинг мухтор вакиллари иштирокида кўриб чиқилади. Қабул қилинган қарорга қўшилмаган тақдирда Иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитети баҳсли масалаларни муҳокама қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Пленумини чақиришни талаб қилишга ҳақлидир.

25. Иттифоқдош республика Коммунистик партиясининг съезди унинг олий органидир. Навбатдаги съезд камида ҳар беш йилда бир марта чақирилади. Съезд сиёсий йўлни белгилаб беради, Марказий Комитетнинг, назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини муҳокама қилади, ана шу органларнинг янги таркибини сайлайди, назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, шунингдек КПСС олий органлари таркибига республика Компартиясидан номзодларни тавсия қилади. Съездлар оралиғидаги даврда республика партия конференциялари чақирилиши мумкин.

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДАГИ КПСС ТАШКИЛОТЛАРИ

26. СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг фаолияти КПСС Устави ҳамда КПСС Марказий Комитети томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар асосида қурилади.

СССР Қуролли Кучларидаги партиявий ишга раҳбарлик партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари орқали амалга оширилади. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари вазифаларни ҳарбий кенгашлар, командирлар ва сиёсий органлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ҳал қиладилар. Улар ҳарбий коллективларнинг турмуши ва фаолиятига ўз таъсирларини армия сафларидаги коммунистлар орқали ўтказадилар. СССР Қуролли Кучларидаги партия олий органи КПСС Марказий Комитетининг комиссияси ҳуқуқида иш олиб боради.

Қуролли Кучлар сафларидаги коммунистлар территориал партия ташкилотларининг раҳбар органлари таркибига сайлашлари ва сайланишлари мумкин. Район, шаҳар, округ, область, ўлка партия конференцияларига, Иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига делегатлар тегишли партия комитетлари томонидан белгилаб бериладиган вакиллик нормаларига мувофиқ ҳарбий қисмлар ва қўшилмаларнинг партия конференцияларида сайланади.

КПСС съездига ва Бутуниттифоқ партия конференциясига армия ва флот партия ташкилотларидан делегатлар ҳарбий округлар, қўшинлар группалари, флотлар, қўшилмалар, Қуролли Кучларнинг турлари партия конференцияларида сайланади.

ИЗОҲ: Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларида, ички ва темир йўл қўшинларида партиявий иш Қуролли Кучлардаги каби уюштирилади.

IV.

КПССнинг ЮҚОРИ ОРГАНЛАРИ

27. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съезди унинг олий органидир. Навбатдаги съездлар КПСС Марказий Комитети томонидан камида ҳар беш йилда бир марта чақирилади. Марказий Комитетнинг съезд чақириш тўғрисидаги қарори, кун тартиби ва вакиллик нормаси съездга камида уч ой қолганда эълон қилинади. Марказий Комитет съезд муҳокамасига қўйиладиган асосий масалаларга доир тезисларни матбуотда эълон қилади.

КПССнинг навбатдан ташқари съезди Марказий Комитет томонидан ўз ташаббуси билан ёки коммунистлар умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Съезд икки ой муддат ичида чақирилади ва барча партия аъзоларининг камида ярми вакил юборган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Марказий Комитет навбатдан ташқари съездни чақирмаган тақдирда уни ўтказишни талаб қилган ташкилотлар навбатдан ташқари съездни чақириш юзасидан партия Марказий Комитети ҳуқуқларига эга бўладиган ташкилий комитетни тузишлари мумкин.

28. КПСС съезди:

— Марказий Комитетнинг ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тинглайди, бу ҳисоботлар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— партия Программаси ва Уставини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— партия қурилиши, мафкуравий фаолият, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида партия йўлини белгилаб беради;

— КПСС Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди ва айни пайтда уларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига сайлайди;

— КПСС Марказий Комитетини ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясини сайлайди.

29. КПСС Марказий Комитети съездлар оралиғидаги даврда заруратга қараб, партия сиёсати ва амалий фаолиятининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун КПСС Бутуниттифоқ конференциясини чақиради.

Конференция КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг иши ҳақидаги ҳисоботларини тинглашга, уларнинг таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан бир қисмигача) қайта сайлашга, КПСС Программавий ҳужжатлари доирасида партия учун мажбурий бўлган бошқа қарорларни қабул қилишга, партия Уставига ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатлар КПСС съездига белгилангандек тартибда сайланади.

30. Съездлар оралиғидаги даврда партия фаолиятига КПСС Марказий Комитети раҳбарлик қилади.

КПСС Марказий Комитети:

— КПСС съездлари ва конференцияларининг қарорлари амалда бажарилишини ташкил этади;

— ички ва ташқи сиёсат мазмунига доир таклифларни ишлаб чиқиб, уларни СССР халқ депутатлари Съездларига ва СССР Олий Советига тақдим этади;

— КПССнинг кадрларга доир сиёсатини амалга оширади;

— партия муассасаларини, корхоналарини тузади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради;

— бошқа партиялар билан алоқаларда КПСС номидан вакиллик қилади.

31. Марказий Комитет Пленумлар оралиғидаги даврда сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун ўз таркибидан КПСС Марказий Комитети Президиумини сайлайди. Президиумнинг неча кишидан иборат бўлишини КПСС съезди тасдиқлайди. КПСС Раиси ва унинг ўринбосарлари, Иттифоқдош республикалар Компартияларининг раҳбарлари ҳам лавозимларига кўра Марказий Комитет Президиумига кирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Президиуми қарорларни ижро этиш учун ўз номидан партия ташкилотларига юборади. Президиум энг муҳим сиёсий масалаларга доир қарорларни тасдиқлаш учун КПСС Марказий Комитети Пленумига ҳавола қилади.

Марказий Комитет Президиуми КПСС Марказий Комитети Пленумига ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили ҳисобот тақдим этади.

КПСС Марказий Комитетида унинг фаолияти асосий йўналишлари юзасидан доимий комиссиялар тузилади. Улар КПСС Марказий Комитети Пленумида Марказий Комитет аъзоларидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлардан тузилади. Комиссияларга КПСС Марказий Комитети Пленуми томонидан сайланадиган КПСС Марказий Комитети секретарлари бошчилик қиладилар, бу комиссиялар ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. КПСС Марказий Комитетида ва унинг комиссияларида доимий асосда ишловчи коммунистлар партия мақлағидан маош оладилар.

Комиссияларнинг раҳбарларидан КПСС Марказий Комитетининг Секретариати тузилади. У Марказий Комитет комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради, партияда Марказий Комитет, унинг Президиуми ва комиссиялари қарорларининг ижросини ташкил этади, Марказий Комитет аппарати ишига раҳбарлик қилади.

Марказий Комитет Пленумлари оралиғидаги даврда унинг органлари ишига КПСС Раиси ва Раис ўринбосарлари раҳбарлик қиладилар.

32. КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз пленумида бюрони ва унинг камида ўн йиллик партия стажига эга бўлган ҳамраисларини сайлайди.

Марказий назорат-тафтиш комиссияси КПСС съезди тасдиқлайдиган низомга амал қилиб, партияда КПССнинг Программавий ҳужжатлари ва Устави, партия съезди ва конференцияларининг қарорлари бажарилишини назорат қилади; партия интизоми аҳволини, партия ички турмуши қоидаларига ва партиявий ахлоқ-одобга риоя этилишини назорат қилади; КПСС бюджети ижросини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва унинг муассасалари, корхоналари, нашриётлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади; партия сафидан чиқариш масалаларига доир шикоят аризаларини кўриб чиқади.

33. КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси йилига камида икки марта ялпи мажлис, зарур ҳолларда эса қўшма мажлислар ўтказадилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси пленумларининг ишида, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари эса КПСС Марказий Комитети Пленумлари ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссиясига сайланган коммунистлар партиянинг сайлаб қўйиладиган бошқа марказий органлари таркибига киритилиши мумкин эмас.

V.

СОВЕТЛАРДАГИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИДАГИ КОММУНИСТЛАР

34. КПСС, унинг барча ташкилотлари СССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида иш олиб боради. Партия ташкилотлари ва комитетлари ўз вазифаларининг давлат ва хўжалик идоралари вазифалари билан аралаштириб юборилишига йўл қўймайдилар, партиянинг сиёсий йўлини уларда ишлаётган коммунистлар орқали ўтказадилар.

Партия демократия ва ижтимоий адолат мавқеида турган барча жамоат кучлари билан ҳамкорлик қилади, социализмга ва Советларга зид миллатчи кучларга қарши курашади. У касаба союзлари, ёшлар, бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва оммавий ҳаракатлар билан ўз муносабатларинг сиёсий ҳамкорлик ва шериклик, бошқача фикр-мулоҳазаларни ҳурмат қилиш принципларига асосига қуради.

35. Бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар каби КПСС ҳам эркин сайловларда ҳамда совет гражданларининг ўз иродасини баён қилишнинг бошқа шакллари орқали жамиятда сиёсий етакчилик учун курашаверади. Партия ташкилотлари ўз сайловолди ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб, эълон қиладилар. Халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш учун коммунистларни тавсия этадилар, уларга сайлов кампаниясини ташкил этишда ёрдам берадилар.

Партия ташкилотлари Конституция негизида ва унга мувофиқ равишда ҳаракат қилувчи бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалари билан сайловолди битими тузиши, депутатликка улар кўрсатган КПСС аъзолари бўлмаган номзодларни қўллаб-қувватлаши мумкин.

Халқ депутатларининг Съездларида ва Советларининг сессияларида, коммунистлар бўлган жамоат ва кооператив ташкилотлари томонидан чақириладиган съездлар ва конференцияларда коммунистлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш ва партия таъсирини кучайтириш учун партия группаларига уюшадилар. Партия группалари совет қонунларига, тегишли партия комитетларининг қарорларига амал қиладилар.

36. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан ишлашда ВЛКСМга ҳамда социалистик йўлни қўллаб-қувватловчи бошқа ёшлар ташкилотларига таянадилар, уларнинг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашадилар, уларни КПССнинг ёшларга доир сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этадилар. Партия ва комсомол ташкилотларининг ўзаро муносабатлари ғоявий бирликка, ёшларнинг коммунистик иттифоқи ташкилий жиҳатдан мустақиллигини тан олишга, ўзаро ҳурмат ва ўртоқларча ишончга асосланади. Партия ВЛКСМни ўз сафларини тўлдириш учун энг яқин резерв деб ҳисоблайди.

VI.

ПАРТИЯНИНГ МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

37. КПСС ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий ресурслар билан таъминланади.

Партиянинг мулки ва пул маблағлари умумпартия бойлигидир. Иморатлар ва иншоотлар, партия нашриётлари уларнинг таркибидаги даврий нашрлар, босмахоналар, корхоналар мулки ва бошқа ўзга мулк билан биргаликда, шунингдек аъзолик бадалларидан, партия корхоналари даромадларидан ва бошқа тушумлардан таркиб топган пул маблағлари КПСС мулкчилик ҳуқуқининг объектларидир.

Партия бюджети, маҳаллий партия ташкилотларидан ажратмаларнинг нормативлари ҳамда маблағларни қайта тақсимлаш тартиби КПСС Марказий Комитети Пленумида тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади:

Даромади 70 сўмгача бўлганда — 10 тийин
71 сўмдан — 100 сўмгача — 20 тийин
101 сўмдан — 150 сўмгача — 30 тийин
151 сўмдан — 200 сўмгача — 1 фоиз
201 сўмдан — 250 сўмгача — 1,5 фоиз
251 сўмдан — 300 сўмгача — 2 фоиз
301 сўмдан — 350 сўмгача — 2,5 фоиз
350 сўмдан ошганда —3 фоиз

Ишлаётган коммунист пенсионерлар партия аъзолик бадалларини пенсиядан ва иш ҳақидан алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

38. Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари, ўлка ва область партия ташкилотлари ўз бюджетини мустақил тасарруф этадилар, даромадларнинг ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишга имкон берадиган даражада кўпайишига интиладилар, структура-штат ва молия масалаларини ҳал қиладилар, партия корхоналари ва муассасаларининг сиёсий иш манфаатларига ва совет қонунларига зид бўлмаган фойда келтирувчи хўжалик ва тижорат фаолияти рағбатлантирилади.

Маҳаллий партия ва назорат-тафтиш органлари коммунистларни партия бюджетининг аҳволи ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб борадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ ГАЗЕТАСИ. Ҳар ойда икки марта чиқади. «Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

Март, 1990 йил, № 6 (19).

Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси

Қорасарой



Қорасарой — Тошкентнинг шимолида жойлашган қадимий манзилгоҳ. Ҳозирги Қумлоқ маҳалласининг бошланишидан то мармар заводига борадиган кўчанинг номи Қорасарой кўчаси деб номланади. Қадимий тарихий ном билан аталган шоҳроҳ кўча ҳам шу ерда жойлашган. Бу ерга «Қорасарой» номининг қўйилиши ҳам бежиз эмас, ўша вақтларда бу ернинг қора мармарлари кўп бўлган, шу жойда қазиб чиқарилган, дегувчилар ҳам учради. «Қора мармардан қорасаройлар қурилган бўлса керак», деб тахмин ҳам этдилар. Хўш, нима учун Оқсарой демаймизда Қорасарой деб номлаймиз. Тарихга мурожаат этайлиқчи.

Тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидайи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») номли асарида таърифлашича, баҳор мавсумларида шаҳарнинг шимолий ғарбий ва ғарбий дарвозалари орқали Даштиқичоқ (Жанубий Қозоғистонга йўналган қадимги карвон йўлининг қарийб уч фарсахлик (18 километр) масофадаги адирлик лолазор билан қопланган. Бу лолазор ҳар йили баҳор мавсумида тошкентликларнинг лола сайлига чиқиб, дам олиб қайтадиган истироҳаттоҳи бўлган. Ана шундай жойнинг жанубида, Тошкентнинг шимолида Қорасарой дарвозаси жойлашган эди.

Қорасарой аҳолисининг кўпчилиги Ҳасанбой ва Кенгсой томондаги кенг ерларда деҳончилик ва боғдорчилик билан қадимдан шуғулланиб келишганини мўътабар отаҳоларимиз ҳикоя қилиб бердилар.

«...Дала кўчаларининг икки томонидаги нураган пахса деворлар оша шафтоли, ўрик, олма, гилос ва бошқа мевали дарахтларнинг анвойи ранг гуллари келинчакдек мўралаб туради, офтобда қизиган, упадек майин, билқ-билқ тупроқли кўчалар ажабтовур бир суқунинат оғушига чўмади. Аҳён-аҳёнда ларзон шоҳларга тегай-тегай деб қўқон арава, ё эшаги ҳам ўзи сингари оҳиста мудраб бораётган деҳқон, ёхуд деворни паналлаб кетаётган паранжили аёл ўтиб қолади-ю, кейин кўча яна улуғвор ва шарқона сокинлик қўйнига чўмади», — деб ёзади сайёҳ В. Массальский.

Қорасарой этимологияси ҳақида гап борганда, унинг атрофида ҳеч қандай тош конлари йўқлиги маълум бўлди. Аҳоли ариқларининг суви камайган вақтда тагида чўкиб қолган майда ва майин қумларни қуришлига ишлатганлар. Қумлоқ номи ҳам бекорга қўйилмаганлиги ҳам бизга шу жойдаги ариқдан олинган қумга нисбатан айтилган бўлса ажаб эмас.

Қорасарой гузарида Муйин ҳалфа эшонининг ва уларнинг авлодларининг қабри бор. Ушбу сиз ўқиётган саҳифани тарихий тасдиқлашда асли қорасаройлик ажойиб шифокор, етмиш ёшлардаги Султон ака Усмоновнинг ўз гўшаларига, у жойларнинг тарихига бўлган катта қизиқишлари ва шу жойдаги ёдгорликни тиклашга жазм этгани диққатга сазовордир.

Шаҳримиз ўн икки дарвозасининг ҳар бир дарвозасидан шаҳар марказига бозорга элтувчи кўчалар ва улардан эса кўплаб тор кўчалар тармоқланиб кетган эди. Кўчалар тутташган чорраҳалар эса гузар деб юритилган. Шу каби Қорасарой гузарида туякашларнинг саройлари бўлган.

Қорасарой гузаридан Сариқ сув кўчасининг ўнг ён бошида 1—2-Гуруч ариқ кўчаси бор. Отахонларнинг айтишича, ана шу Сариқсув кўчасидан токи Сағбонга чиқадиган кўчагача Кўргон девори ўтган. Дарҳақиқат, жойнинг рельефи, кўчанинг ўнг томон (яъни лой-тупроқ олинган томонга нисбатан баландлиги шундоққина билиниб турибди. Ҳозирда ҳам Сариқсув кўчасининг 2-Гуручариқ маҳалласи) 4-тупик бошланишида Кўргон деворлари харобаларининг излари сақланган.

Қорасарой гузарининг ёнида зиндон, унинг ёнида ҳозирги 128-мактаб ўрнида Саҳота-ота мозори бўлган. Қорасарой дарвозасининг ёнидаги каттагина ариқ сувида тегирмон ишлаб турган. Бир қанча баққолчилик дўконлари мавжуд бўлган. Дарбоза томондан тез-тез ёвнинг хатарли ҳужуми аҳолини мунтазам безовта қилиб турарди. Бу эса истеҳкомни мустаҳкамлашда ва ҳарбий мақсадларда ер ости йўлларини қуриб фойдаланганлар, Гузар унчалик катта бўлмаса ҳам, ўзига яраша файзли жой эди, деб эслашади отахонлар.

Қадимда Қорасарой дарвозаларидан ташқари яйлов, қамишзор ва тўқайзорлар бўлиб, баъзи жойларда ёзлик қўрғонлар учраб турарди. Қорасаройликлар Кайковуз сувидан чиққан катта ариқ сувидан фойдаланганлар.

Қорасарой дарвозаси ва унинг атрофидаги маҳаллалар кўчалар, гузарлар обод-кўркамлиги билан машҳур эди.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Ажойиб инсонлар даврасида

Тошойна парчаси

ИШДАН қайтсам токчада синиқ кўзгунинг бир бўлаги турибди. Ким келтирди экан, болалардан бирортаси кўчадан топиб олган бўлса шу жойга қўйгандирда, деб ўйладим. Кийимларимни алмаштираётганимда умр йўлдошим: «Ойимни кўрдингизми!» деди. Ҳозир келганлигимни айтиб, иккинчи хонага кирсам, қайнонам ўтирган эканлар. Салом бердим. Мени худди ўз ўғилларидек, бағрларига босиб, юзларимдан ўпиб кўришдилар. Қайнона ҳам она деганлари рост. Тафтларидан меҳрим жўшиб кетди. «Илоё, сог-саломат, узоқ-жувон бўлинглар, ақлли ишлаб, қўша қаринглар», деб фотиҳа ўқиганларидан сўнг, ҳол-аҳвол сўрашдик.

Қайнонам Санобар Шоёқубова ҳеч кимдан гина қилмайдиган, кўнгли очиқ аёл. Сал-сонга яқинлашиб, кўзлари ожизлашиб қолганига қарамай пойтахтнинг Бешқайрағоч даҳасидаги хонадонимизга келганларида ҳар сафар қариндош-уруғларини бирма-бир йўқлаб, сўнг бизникида меҳмон бўладилар.

— Тўғри шу ерга келсангиз, ўзим олиб бораман, ойижон, — дейман кўпинча.

— Ишли бўлсанглар, сизларни овора қилиб нима қиламан. Ҳали кўчдан қолганим йўқ, ҳаммаларини бирпасда кўриб келдим.

Қайнонамнинг одати маълум. «Жўжабурдек жонсизлар», дея доим бизга ачинадилар. Чиндан ҳам мева-чева кўтариб келиб, кетаётганда ҳеч нарса олмайдилар. Ҳозир ҳам уьр йўлдошим тугунларига бирор егулик солиб бермоқчи эди, унамай токчадаги синиқ кўзгуни олдиларр, холос. Ҳайрон бўлдим. Кейин билсам бу кўзгу парчасини марҳум акаларининкидан келтирган эканлар. Илгарн у бутун бўлгану, уйдагилар баланд жойдан тушириб, синдириб қўйишибди. Эзмалик қилишни ўзимга эп кўрмай, эртасига магазиндан ихчам, чиройли кўзгу харид қилдим. Уйга келганимда ҳовлида умр йўлдошим учраб: «Яхши қилибсиз дадаси, ойимда бунақа кичкги йўқ эди», деди севиниб қўлимдан оларкан. Арзимаган совға қайнонамни хушнуд этди.

— Невараларимнинг бўйи етмайдиган жойга қўйман, дард кўрмагурлар жуда шўх, синдириб қўйишади.

Уйга қайтишга ҳозирлик кўраётганларида умр йўлдошимга: «Сингган кўзгу парчасини олиб қол, бирортасига қилиб юрмасин тағин», дедим. Бунн эшитиб қолган қайнонам тушунтириб кетдилар:

— Олдиларн бунн тошойна дердик. Онамизнинг онасидан қолган. Акам уйланганда ойим шу бнсотимни келинимга топшираман деб, совға қилибдилар. Қайта-қайта авайлаб сақлашни тайинлабдилар. Онам ҳурмати учун акам кўзгуни ҳеч кимга ншоямай, кўп йил сақлаб келдн. Энди эса бус-бутун тошойнадан шу бир парчасигина қолибди. Мен унн уйимнинг тўрида сақлайман.

Кўзгуга қараганимда онам ва акамни кўргандек юрагимнинг чигали ёзнлади.

Инсон табиати нозик деб шунга айтсалар керак. Ҳамма нарса таъбнинг ойнадек равшан бўлмшига етмас экан. Биз, ёшлар ҳамон ота-боболармизнинг ибратли томонларк, гўзал фазилатларини яхши билмаймиз. Балки фақат янгилнкка нитилиб, ўтмишни унутиб қўяётганимиздан шундайдир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.



«Сомсапаз онахонлар қўли дард кўрмасин!».
С. Маҳкамов сурат лавҳаси.

Тожикой тажанг шаҳар кезади



БОҒ-БОҒДЕК БЎЛСИН

Бекатда автобусдан тушиб атрофга аланглайман. Рўпарага каттакон қилиб «А. Набиев номли боғ» деб ёзиб қўйилган. Бироқ дарахтзордан бошқа ҳеч вақо йўқ. Кимсасиз ўрмонга ўхшайди. Тартибсиз экилган дарахтлар орасида бирорта мевалнги йўқ. Боғ деганн, кишилариинг дам олади ган сайилгоҳи бўлардн. Бу ерда ҳеч кнм кўринмайдн. Жуда ачинib кетдим. Айниқса бир чекиаси ахлатхонага айланиб, дарахтлари қурий бошлаганини кўриб тепа сочим тикка бўлдн. Шу пайт ошнам келиб қолди. Нима гаплигини билгач, куюнчаклик билан деди:

— Э, нимасини айтасиз, боғнинг фақат номи қолган.

Атрофига нуфузли ташкилотлар жойлашган оромгоҳнинг аҳволидан кнм хабар оларкан.

КЎЧАТ БОЗОРИ ҚАЙДА?

Икки туп гилос кўчати олиш учун Октябрь бозорига тушдим. Кўклам ҳавосида бозорга етгунимча ёмғир қуйиб берди. Кўчат сотадиган растанинг қаердалигини сўрасам, очиқ майдонга рўбарў қилишди. Манзаранн кўриб жойимда қотиб қолдим.

Тепадан шаррос ёмғир ёғяпти. Кўчат сотаётган боғбонлар очиқ жойда қатор дийдираб турншибди.

Жаҳл устида бозор каттасини қидирсам, мажлисга кетган экан. Зора мажлис қарорига мўйсафид айтган сўзлари ҳам қайд этилиб, ижобат бўлса.

Тожикой тажангга Садриддин ШАМСИДДИНОВ ҳамроҳ бўлди.

Луқма

ЧАЛКАШ РАҚАМЛАР

Тошкент технология техникумининг ўқитувчиси Раҳматилла ака Маҳаматовда зарур нишм бор эди, уйини қидириб ҳеч тополмадим. Орадан уч кун ўтгач кўчада тасодифан учрашиб қолдик.

— Хафа бўлманг, сарсон бўлаётган фақат сиз эмас, — деди у кўнглимни кўтаришга уриниб. — Уйларнинг номери чалкашиб кетган. Паспортимизга ёзилган рақамлар хонадонликига тўғри келмайди.

Қизиқиб, текшириб кўрдик. Илгари Тошкент район территориясида бўлган «Юнусобод» маҳалласи Киров районига ўтгач ободонлаштирнш бўлмн ходимлари уйларнинг номерларини алмаштирадилар. Эътиборсизлик туфайли чалкашлик бошланади. Масалан, 63-уйда яшаётган Дўстмуҳаммедовлар онласи 10, Исроиловлар эса 59-эмас, 6-уйда истиқомат қилишаяпти. Паспорт столидан адрес олиб киднрган кишининг аҳволини бир кўз олдингизга келтиринг.

Бундай ҳол қачонгача давом этаркин?

О. МАХМАЮСУПОВ.

Мусаввир табассуми



— Маҳалламиздан ўтиб кетиб, шаҳар чеккасидаги фермага келиб қолибмиз шекилли!

— Тўрт оёқлаб эмаклама й, қушнигим ўзингга олиб турибқара, маҳалламиз қаёқ томонда кўринаяпти.

— Отахон, маҳаллангиз чойхонасида ўтириб чой ичадиган жой йўқ-ку!

— Мана, мулла йигит, тик туриб бир пиёла чой ича қолинг.

— Вой ўлай, дадаси гиламдўндозлар олган одам, ирис ўрнига бир яшик «Қора қум» опкелсангиз маҳалла-қўй хурсанд бўлардн.

Бешик тўйига болалар келса, «Ирисини шимиб юришаверади-да.

— Ия, муллака, битта винтни бураб қўйганингизга ўн сўм оласизми!

— Тушунинг ахир, маҳалланглиз узоқ экан, таксида келдим-да.

Ш. Субхонов чизган расмлар.

Маҳалладош — ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

ВИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Депутатнинг дил сўзлари

ХАЛҚ ХИЗМАТИГА ҚАМАРБАСТАЛИК

Кунларимиз турли-туман воқеаларга бой бўляпти. Яқин ўтмишда тилга олиш бутунлай ман этилган сўзлар бугун одамлар оғзида баралла янграмоқда. Биринчи навбатда буни ошкоралик ва демократия шарофати деб тушунмоқ керак. Бу жараён тобора қулоч ёйиб боряптики, у ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда.

Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Фикрнинг исботи учун яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ва шу кунларда ўз ишини давом эттираётган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини тилга олмоқ кифоя. Биринчидан, бу ҳар икки анжуман олдингиларидан ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан фарқланади. Иккинчидан, улар нақадар ошкоралик, демократия ва ишчанлик тарзида ўтиши билан ажралиб турибди.

Пленум диққат-эътибори «КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масалага қаратилди. Шунингдек унда Ўзбекистон Компартияси XXII съездини чақириш муддати, унинг кун тартиби ва унга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясига Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда ҳам жумҳуриятимиз ҳаёти ва шу кунимиз учун муҳим бўлган вазифалар таҳлил этилмоқда.

Ўз навбатида сессия биз, депутатлар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда. Аҳолининг барча табақаларига озиқ-овқат маҳсулоти ва товар таъминотини яхшилаш, қашшоқ оилаларнинг даромадларини кўпайтириш, ёшлар, кексалар, аёллар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, аҳолинн сифатли ичимлик сув ва газ билан таъминлаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва ижтимоий вазиятни яхшилаш кабилар депутатларимиз томонидан бажарилиши лозим бўлган биринчи даражали вазифалар эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Энди ҳамма гап ҳар биримиз юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда дадил фаолият кўрсатишимизда қолди. Шахсан ўзим шу нуқтаи назардан иш юритишни режалаштирмоқдаман.

Очиғини айтганда, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла ташкил топганда, олдимизда қатор муаммолар пайдо бўлганди. Булар маҳалла идорасини қуришдан тортиб то йўлларни асфальтлашгача бўлган юмушлар эди. Табиийки, депутат сифатида мен ҳам бу ишлардан четда туролмасдим. Бунинг устига виждон ва инсоний бурч ҳам бу ишларни бажаришда одамларга қўлимдан келганча ёрдам беришимни тақозо этарди. Қолаверса, маҳалла шарафи деган сўз ҳам бор. Енг шимариб ишга киришдик. Қариялар билан бамаслаҳат чойхона қурдик, идора, сартарошхона бунёд этдик. Унинг территориясини ободонлаштирдик. Кейин катта йўлни асфальтлашга киришдик. Бу ишларнинг кўпчилиги ҳашар йўли билан амалга оширилди. Марказга сув чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Ён атрофимиздаги ташкилотлар ҳам бизни қўллаб-қувватлашди. Уларга ҳам ўз территорияларини ободонлаштиришда сув зарур эди. Икки кунлик ҳашар маҳалламиз теварак-атрофини сувга сероб қилиш билан тугалланди. Мотор орқали биздан қуйироқда жойлашган катта ариқдан сув чиқардик. Магазин қурдик. Наврўз байрами куни новвойхона ишга тушди.

Ҳали-ҳамон маҳалладошларим мени Ўзбекистон ССР халқ депутати бўлганлигим билан табрикламоқда. Менинг ҳаёлимда эса уларга сидқидилдан хизмат қилиш, эл ишончига муносиб бўлиш истаги тобора мужассамлашмоқда. Бу дастур қандай ишларни ўз ичига олганлигини бугун 1 ва 2-Кисловодск, Туркқўргон, Жомий, Янгиариқ, 1 ва 2-Карл Маркс, Г. Абдуллаев номли маҳаллалар ва Юнусобод даҳасининг 2,5-мавзелари аҳолиси яхши билишади. Чунки сайловодди учрашувларда бу ҳақда улар билан батафсил суҳбат қурганмиз.

А. ҒУЛОММАҲМУДОВ,
«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати.



«Маҳалла аҳли билан дилкаш суҳбат». Т. Каримов сурат лавҳаси.

Хушхабарлар

Яссавий номи берилди

Ўзбек-турк шоири, улуғ аллома Хўжа Аҳмад Яссавий номи Ҳамза районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида ташкил этилган маҳаллага берилди. Маҳалла қўмитасини тузиш ва унга ном қўйиш учун кенг жамоатчилик Ҳамза номли маданият уйида йиғилишди. Тантанани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Одил Ёқубов очиб, даҳа аҳлини байналмилал руҳда тарбиялаш, катта ободончилик ва ташкилий ишларни олиб боришда маҳалла қўмитасининг аҳамияти беқиёс бўлишини таъкидлади.

Йиғилганлар янги маҳаллага Хўжа Аҳмад Яссавий номининг берилишини яқдиллик билан маъқулладилар. Шундан сўнг бир қанча масалалар бўйича фикр юритилиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

Ш. НУРИЕВ.

Новвойхона очилди

Файзулла Хўжаев маҳалласида яшаётган аҳоли тандир нон учун узоққа қатнамайдиган бўлди. Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Алоқачи» кооперативи ишчилар ва маҳалла аҳли талаби асосида новвойхона қурди.

Эндиликда кун бўйи иссиқ, бўрсилдоқ тандир нонлари харидорларга мунтазир. Бу ерда олдиндан буюртма олиш ҳам йўлга қўйилган.

С. АБДУЛЛАЕВ.

Кўчалар ободонлаштирилди

«Маҳалла» дастури бўйича бошланган хайрли ишлар ўз самарасини бераяпти. Куйбишев районидаги Генерал Петров номли кўчанинг 3-4 муолишлари асфальтланди. Циолковский номли кўчада ҳам бу иш ниҳоясига етай деб қолди. Бу юмушларни «Ташгражданстройга қарашли 37-қурилиш бошқармаси ҳамда район йўл-эксплуатацияси бошқармасининг йўлсозлари бажармоқдалар.

«Париж коммунаси» кўчасига симёғочлар ўрнатилиб, электр нури билан таъминланди. Одатда муолишларда тўпланиб ётувчи ахлатлар эндиликда машиналарда ташиб кетиладиган бўлди.

О. ЮСУПОВ.

Мулоқот оқшоми

Чилонзор районидаги 114-ўрта мактабнинг тадбирлар хонасида «Маҳалла—маърифат ва маданият маскани» мавзусида мулоқот кечаси бўлиб ўтди.

Мулоқот оқшомида «Мевазор», «Қатортол» ва Ш. Ғуломов номли маҳаллаларнинг 500 дан ортиқ вакиллари иштирок этди. Мулоқотни СССР халқ артисти Тамарахоним бошлаб берди .

Ўзбекистон ССР халқ депутати, Дўмбиробод маҳалла қўмитасининг раиси У. Абдуллаевнинг «Маҳалланинг мактаб ўқувчилари тарбиясидаги ўрни» деган мавзудаги маърузаси, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси вакили Кимсан қорининг «Маҳаллаларда тарбия» ҳақидаги маърузаси тингланди.

Йиғилганларга СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси М.Мирзаев янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Шунингдек Калинин районига қарашли Иваново совхози қошидаги «Саодат» фольклор этнографик ансамбли ва аския усталари санъатларини намойиш этишди.

М.МИРСОАТОВА.

Аҳолига қулайлик

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Каттабоғ маҳалласининг Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранлари ва аҳолиси талаби бажарилди. Илгарилари кундалик харид моллари учун бир қанча чақирим наридаги озиқ-овқат дўконига қатналар эди. Энди маҳаллада 58-озиқ-овқат дўконининг шохобчаси ишга туширилди.

Д. АЪЛОЕВ.

Сайловдан кейинги ўйлар

ҲАЛИ ИШ БОШИДАМИЗ

Сайловолди йиғилишларида халқимиз билан учрашиб, уларнинг кўнглидаги гаплар, дардларини тинглаган эдик. Менга Муқимий маҳалласидаги «Озод» ва «Пахта» кўчаларини мевали дарахтлар билан яшнатиш, шунингдек 26-болалар боғчаси атрофига асфальт ётқизиш наказларини бергандим. Энди асосий вазифа билдирилган ишончни амалий иш билан оқлашдан иборат.

Мен довруғи пойтахтимиз, ҳатто жумҳуриятга маълум эски шаҳарда туғилдим, вояга етдим. Бу жойда қандай камчиликлар борлигини яхши биламан. Шунга қарамай сайловдан кейин маҳаллаларни айланиб, кексалар билан суҳбатлашдим. Аҳвол билан танишгач шу нарса аён бўлдики, муаммолар мен ўйлагандан зиёд ва чигал экан.

«Пахта» ва «Озод» кўчаларида шу пайтгача дарғи ўрик, олма, гилос, ёнғоқ каби мевали дарахтнинг ниҳоллари ўтказилмаган. Новларга сув келмаётгани туфайли манзарали дарахтларнинг баъзилари қуриб ётибди. Уларни қирқиб, ўрнига мева берадиган ниҳоллар экишга ерлик аҳолининг ҳаққи йўқ. Бунинг учун бир неча ташкилотнинг рухсати керак.

Сағбон кўчаси Алоқа, Комуна, Суръат маҳаллаларидан ўтиб ётувчи катта ариқдан сув чиқардик. Магазин қурдик. Наврўз байрами куни новвойхона ишга тушди.

Ҳали-ҳамон маҳалладошларим мени Ўзбекистон ССР халқ депутати бўлганлигим билан табрикламоқда. Менинг ҳаёлимда эса уларга сидқидилдан хизмат қилиш, эл ишончига муносиб бўлиш истаги тобора мужассамлашмоқда. Бу дастур қандай ишларни ўз ичига олганлигини бугун 1 ва 2-Кисловодск, Туркқўргон, Жомий, Янгиариқ, 1 ва 2-Карл Маркс, Г. Абдуллаев номли маҳаллалар ва Юнусобод даҳасининг 2,5-мавзелари аҳолиси яхши билишади. Чунки сайловодди учрашувларда бу ҳақда улар билан батафсил суҳбат қурганмиз.

А. ҒУЛОММАҲМУДОВ,
«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Хушхабарлар

Яссавий номи берилди

Ўзбек-турк шоири, улуғ аллома Хўжа Аҳмад Яссавий номи Ҳамза районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида ташкил этилган маҳаллага берилди. Маҳалла қўмитасини тузиш ва унга ном қўйиш учун кенг жамоатчилик Ҳамза номли маданият уйида йиғилишди. Тантанани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Одил Ёқубов очиб, даҳа аҳлини байналмилал руҳда тарбиялаш, катта ободончилик ва ташкилий ишларни олиб боришда маҳалла қўмитасининг аҳамияти беқиёс бўлишини таъкидлади.

Йиғилганлар янги маҳаллага Хўжа Аҳмад Яссавий номининг берилишини яқдиллик билан маъқулладилар. Шундан сўнг бир қанча масалалар бўйича фикр юритилиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

Ш. НУРИЕВ.

Новвойхона очилди

Файзулла Хўжаев маҳалласида яшаётган аҳоли тандир нон учун узоққа қатнамайдиган бўлди. Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Алоқачи» кооперативи ишчилар ва маҳалла аҳли талаби асосида новвойхона қурди.

Эндиликда кун бўйи иссиқ, бўрсилдоқ тандир нонлари харидорларга мунтазир. Бу ерда олдиндан буюртма олиш ҳам йўлга қўйилган.

С. АБДУЛЛАЕВ.

Кўчалар ободонлаштирилди

«Маҳалла» дастури бўйича бошланган хайрли ишлар ўз самарасини бераяпти. Куйбишев районидаги Генерал Петров номли кўчанинг 3-4 муолишлари асфальтланди. Циолковский номли кўчада ҳам бу иш ниҳоясига етай деб қолди. Бу юмушларни «Ташгражданстройга қарашли 37-қурилиш бошқармаси ҳамда район йўл-эксплуатацияси бошқармасининг йўлсозлари бажармоқдалар.

«Париж коммунаси» кўчасига симёғочлар ўрнатилиб, электр нури билан таъминланди. Одатда муолишларда тўпланиб ётувчи ахлатлар эндиликда машиналарда ташиб кетиладиган бўлди.

О. ЮСУПОВ.

Мулоқот оқшоми

Чилонзор районидаги 114-ўрта мактабнинг тадбирлар хонасида «Маҳалла—маърифат ва маданият маскани» мавзусида мулоқот кечаси бўлиб ўтди.

Мулоқот оқшомида «Мевазор», «Қатортол» ва Ш. Ғуломов номли маҳаллаларнинг 500 дан ортиқ вакиллари иштирок этди. Мулоқотни СССР халқ артисти Тамарахоним бошлаб берди .

Ўзбекистон ССР халқ депутати, Дўмбиробод маҳалла қўмитасининг раиси У. Абдуллаевнинг «Маҳалланинг мактаб ўқувчилари тарбиясидаги ўрни» деган мавзудаги маърузаси, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси вакили Кимсан қорининг «Маҳаллаларда тарбия» ҳақидаги маърузаси тингланди.

Йиғилганларга СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси М.Мирзаев янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Шунингдек Калинин районига қарашли Иваново совхози қошидаги «Саодат» фольклор этнографик ансамбли ва аския усталари санъатларини намойиш этишди.

М.МИРСОАТОВА.

Аҳолига қулайлик

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Каттабоғ маҳалласининг Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветеранлари ва аҳолиси талаби бажарилди. Илгарилари кундалик харид моллари учун бир қанча чақирим наридаги озиқ-овқат дўконига қатналар эди. Энди маҳаллада 58-озиқ-овқат дўконининг шохобчаси ишга туширилди.

Д. АЪЛОЕВ.

Ҳа, ҳақ гап. Қари билганни — пари билмас, дейишади. Қариялар оиламиз фахри, улар билан юзлашганимиз ҳаммамизга бир хил оталик меҳрини бериб, онлада-тотув ва ақил бўлиб яшашга бош-қош бўлаётган отахонлар шаҳримизда озмунча дейсизми? Ана шундай нишбилармон, меҳрибардё, ғамхўр отахонлар маҳалламиз бошбўлишса-чи? Унда маҳаллага файз кириб, обод ва кўркам бўлади.

1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин бунёд этилган Фурқат номли маҳалламиз нетиқомат қилаётган 500 дан ортиқ хонадон ва уидаги онла аъзолари кўпдан бери ана шундай раиси орзу қилишарди. Ниҳоят, улар ўз орзуларига етишди. Маҳалла идораси Муаллим кўчасида жойлашган бўлиб, мана энди у ерда маҳалла фаоллари тез-тез йиғилишиб навбатдаги ишлар ҳақида гаплашиб одишадиган бўлишди.

— Ўтган йилнинг март ойидан шу йилнинг ҳозиргача қадар, — деди маҳалла комитети раиси Собиржон ака Носиров, — маҳалла комитетининг 15 марта йиғилиши бўлди. Мазкур йиғилишларда маҳалла аҳлининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Барча тадбирларда маҳалла аҳолиси фаол иштирок этмоқда.

Акмал Икромов раён Совети ижроия комитети раҳбарларининг яқиндан амалий ёрдами айниқса кейинги вақтда сезилярли даражада ўз ифодасини топмоқда.

Маҳалла оқсоқоллари раён Совети ижроия комитетига учрашишди. Бунда район, шаҳар Совети депутатлари ҳам фаоллик кўрсатишди. Қариб 10 гектда қолмайди. Айниқса, Собиржон ака ёшлар билан тез-тез суҳбат ўтказиб, уларга ҳаёт сабоқларидан насиҳатлар, йўлланмалар бериб туради.

Маҳалладаги ҳовли тўйлари, фарзанд кўриш, ҳарбий хизматга кузатиш, кутиб олиш каби маросимлар тартибли, ортиқча харажатларсиз ўтказилмоқда. Айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Фатхилла аканинг ҳамда Мамат Комиловнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган кеча маҳалла аҳолисининг хотирасида узоқ вақт сақланади.

— Эндиги вазифамиз, — деди Собиржон ака, — маҳалламиз учун клуб қурдириш, унинг ёнига газета ва журналлар билан савдо қиладиган дўкон очиш. Бунинг учун Акмал Икромов район Совети ижроия комитети 12 сотих ер ажратди. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Айрим кўчаларга канализация ўтказилмаган. Булар маҳалла фаолларининг жонбозлиги туфайли амалга оширилади, албатта. Аҳилликдан иш унар деганларидек, ҳар биримиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, ҳар қандай мушкул иш осон кўчади. Маҳалла аҳлининг ишончини шундагина оқлай оламиз.

Малика ҚОДИРОВА, хизматчи.

Бу киши биздан

ҚАРИ БИЛГАННИ...

Оила иқтисодиёти

ТУРМУШ ЗУККОЛАРИ БИСОТИДАН

⊙ Уй иқтисодиёти билан мешғул бўлмоқ учун аввало иккита дафтар тутиш зарур, бири — хўжалик ишлари учун, иккинчиси — пул ҳисоб-китоби учун. Биринчи дафтар уй-рузғор анжомларининг миқдори ва сифати кўрсатилган рўйхатдан иборат бўлади. Иккинчи дафтар бу — пул ҳисоб-китоби, яъни касса ишлари юритиш учун мўлжалланади. Бу дафтарда алоҳида ажратилган хоналарда қуйидагилар қайд қилиб борилади: даромаднинг умумий суммаси, сарфланган ойи, куни, нима учун сарфланганлиги, ҳарид қилинган нарсанинг миқдори ва суммаси.

⊙ Биз сотиб олган озиқ-овқатлардан 10 фоизи чиқиндига тушади. Булар йилига 10-12 миллиард сўмни ташкил этади. Бу йўқотиш оилавий бюджетда қандай акс этади? Оиланинг бир аъзосига берилган озиқ-овқат ва овқат қолдиқлари кўринишида ҳисобланганда, ҳар куни 12 тийиндан 35 тийингача ёки йилига 44 сўмдан то 128 сўмгача ютқазилади. Бизнинг ошхоналаримизни чиқиндисиз технология билан ишловчи корхонага айлантириш учун жуда кам нарса: ҳамма вақт унга қондани эслаш керак. Биринчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини келтирганда ортиқча олиш керак эмас. Иккинчидан, ҳамма вақт оила бир ёки икки кунга етарли овқатни тайёрлаши керак. Ва ниҳоят учинчиси, ташлаб юборишга шошилмант. Озиқ-овқат маҳсулотларининг массаси ва сифатини сақловчи кўпгина усуллари, сирлари, кичик тадбирлари бор.

⊙ Агар тўрт жондан иборат бир оила ҳар куни 100 граммдан нонни исроф қиладиган бўлса, бу бир йилда 36 килограммни ташкил қиларди. Бутун мамлакат миқёсида исрофни қоплаш учун ҳар бири 20000 тонна бўғдой янчадиган 100 та элеватор қуришга тўғри келарди.

⊙ Супурги синмаслиги учун унга уй бекалари эски пайпоқ кийгазишади. Супургининг кенгайиб борувчи қисмига фасофка қилинган сабзаводган бўшаган тўр (сетка) кийгизиб, супурги банди учига резинка халқа тиқилса, супурги анча бежирим кўринади.

Маҳкам ҲАКИМОВ
танёрларган.



Октябрь районидаги, 2-Калинин массивида жойлашган 276-ўрта мактабда ўтган Наврўз байрами ҳаммада катта таассурот қолдирди. Аҳёлга район ҳалқ таълим бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари, ҳаттоки, ота-оналар ҳам ташриф буюрдилар. Байрам шодиёналарига ўзбек халқининг миллий урф-одатларини акс эттирувчи саҳналаштирилган асарлардан парчалар, қўшиқ ва лапарлар, ҳар хил спорт ўйинлари қўшилиб кетди. Баҳор ва дўстлик аёёмига бағишланган мароқли ва қизиқарли бу тадбирдан ҳамма бирдек мамнун бўлди.

СУРАТДА: мактабдаги Наврўз байрамидан бир лавҳа.

Х. Шодиев сурати.

Биз—байналмилалчилармиз

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

...Ҳассакашларнинг эгнида чопон, белида белбоғ, бошида дўппи. Бутун маҳаллa аҳли тобутни елкасига қўйиб, қабристон томонга йўл олди. Сўнгги йиғлаётганимиз—Магдена бувим умрини ўзбеклар орасида ўтказган, ерли халқнинг тили, дилини тушунган аёл эди. Марҳуманинг иниси Георгий Акопжонович Бобаян, мана, қирқ йилдирки, биз билан бир ариқдан сув ичиб келади.

Бу оила билан Тошкент зилзиласи сабаб бўлиб танишганмиз. Бошпанасиз қолганлар қатори Георгий ҳам Ҳамза районидаги Янгиобод даҳасидан ер олиб, ўзига бошпана қурди. Шу тариқа қўшнилар бўлиб қолдик.

Георгий пенсияга чиққач, ўзига хос фаоллик кўрсата бошлади. Бора-бора маҳалла аҳли унинг «асл исмини унутиб, «Жўравой» дейдиган бўлишди. Ўзи ҳам, мен сизларга асл жўраман, деб юради. У маҳаллада кўп ишларга бош-қош. Агар кимдир тўй ёки маъракага келмай қолса хонадон эгаси дарҳол Жўраройдан сўраб-суриштиради.

Қизиғи шундаки, маҳалладошимиз соф ўзбек тилида гаплашиб, баъзи ўз тилини унутаётганларни уялтиргани ёдимда. Фарзандлари, ҳатто невараларн ҳам бизнинг урф-одатларимизга кўникиб боришаяпти. Жўравой эллик ёшга тўлганда катта-кичикка ош берди. Фаоллар унинг елкасига чопон, белига белбоғ, бошига чуст дўппи кийдиришганда бир ҳовли меҳмонлар лол қолишиб, айримлар қувонч ёшларини яширолмаган эди.

Кейинги пайтдаги миш-мишлар қадрдонимиз хонадонини безовта қилаётганини сезиб қолдик. Шунда маҳалла аҳли тўпланиб, ерли халқ билан бирга, унинг дардига шерик бўлаётган ҳар бири киши, миллатидан, элатидан қатъи назар тинчтотув яшашга ҳақли эканлигини тушунтиришди. Ҳатто Жўраройникига бориб, севимли оиламиз Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг» шеъридан байтлар ўқиб бердик. Бунга жавобан у дўстликка бағишланган арман ҳикматларидан ҳикоя қилиб берди.

Ён-атрофдагилар меҳр-оқибатини ҳис қилаётган Бобаянлар онласи қўни-қўшнилар ўзларига бир умрлик дардкаш эканлигини билгач, бошларини баланд кўтариб юрибдилар. Энди уларни ҳеч қандай миш-мишлар чўчитолмайди.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
Ҳамза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.

Ҳуқуқшунос бурчаги

В. САЛИМОВ: Биз эрхотин суд қарори бўйича қонуний ажрашдик. Бир ўғлимиз бор. Ажрашганимизга 6 ойдан ошган бўлса ҳам, собиқ хотиним болани кўриб, у билан учрашиб туришга рухсат бермайди. Бунга ҳаққим йўқ эмиш. Шу тўғрими?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 72-моддасида таъкидланишича, ота-она ўз фарзандининг жисмоний ўсиши, илм олиши ва ижтимоий-фойдали фаолиятга тайёрланиши учун ғамхўрлик қилиши лозим. Ота билан онада, ҳатто улар ўртасидаги никоҳ бекор бўлганда ҳам тенг ҳуқуқ ва мажбурият сақланиб қолади.

Боладан алоҳида яшаётган ота ёки она уни боқиш ва тарбиялашда иштирок этиши ҳамда муомала муносабатда бўлишга ҳақли. Агар бу борада келишмовчилик юзага келса васийлик ва ҳомийлик органи томонидан (ота-онанинг иштирокида) ҳал қилинади. Мабодо алоҳида яшаётган ота ёки онанинг бола билан бўлган муносабати унинг нормал тарбиясига халақит бераётган ва зарарли таъсир кўрсатаётган бўлса, у ҳолда васийлик ва ҳомийлик органи бундай ота ёки онани маълум муддатга бола билан кўришиб туриш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақлидир. Бу талаб ота ёки она томонидан бажарилмаган тақдирда низони ҳал қилиш учун район халқ судига мурожаат қилиниши мумкин.

* * *

С. ТУРДИЕВА: Қўшнимнинг қизи институтда бирга ўқидиган чет эллик йигитга турмушга чиқмоқчи. Айтингчи, улар ЗАГС рўйхатидан бизнинг қонун-қоида бўйича ўтадиларми ёки бошқа тартиб мавжудми?

Жавоб: СССР Никоҳ ва оила қонунчилиги асосларининг 31-моддасига мувофиқ СССР гражданининг чет эл фуқароси билан никоҳ рўйхатига қайд қилиниши Совет Иттифоқида ўрнатилган тартиб-қоидага кўра амалга оширилади. Кўрсатилган қонуннинг 10-моддасига кўра никоҳдан ўтаётган шахсларнинг бири бошқа никоҳда бўлган бўлса, у ҳолда никоҳ қилиш шартномаси тузилмайди.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, чет эл гражданларининг паспортида оилавий ҳолати ҳақида маълумот кўрсатилмайди. Шу сабабли у никоҳни қайд қилиш органига ариза бераётганида оилавий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат (справка) талаб қилинади. (СССР Адлия министрлиги томонидан 1987 йил, 8 майда тасдиқланган қўлланма).

Агар хорижий юрт қонунчилиги ўзга давлат граждани билан никоҳни қайд қилиш учун тегишли бўлмалардан махсус рухсатнома талаб қилса, у ҳолда ариза берилаётганда бундай ҳужжат ЗАГС органига тақдим этилади.

Абдужалил ҲАСАНОВ.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН

Бу аёлнинг кўзлари ожиз. Ҳовлидаги саранжом саришталикни ўзи кўролмайди. Бироқ ҳар бир ўзгаришни қалби билан сезиб туради. Ёшлигидан шундай. Уйда озодагарчилик бўлмагунча ётиб уйқуси келмайди. Меҳрихон опага тақдир ўзига ўхшаган йигитни рўбарў қилди. Умр йўлдошини урушга жўнатиб қайтиб келишини муштоқ бўлиб кутди. У бўлса уруш туфайли иштирога оғир меҳнатга яроқсиз бўлиб келди. Бироқ, гулга, озодагарчиликка шай, одини кексайгунча қолмади.

Фрунзе районидаги «2-Рабчт» маҳалласидаги бу онла ҳақида сўз кетар экан, албатта ялиқ ганлари эшитасиз. Хонадон соҳиблари саранжом-саришталиги севишади. Ҳовли озода, ҳар бир нарса ўз ўрнида. Боғдаги дид билан зеб берибқўйилган ўсимликларни кўриб кишининг дили ойраб кетади. Меҳрихон опанинг кайтаб келиш — Мунавархон юзидаги ҳикоя қилади:

— Келин бўлиб тушибманки, шундай саришталик ҳукмрон. Ўрганиб қолар экансиз. Ҳозир хонадонимизда озгина тартибсизликни кўриб қолсам ранжиб кетаман. Фарзандларим ҳам шундай. Мактабдан келган заҳоти қизлар қўлига супурги олишади. Қайнонамдан мамнунман.

Маҳалламиз фахри бўлган бундай обод ва озода хонадонлар кўпаверсин.

Ҳамдамбек САЪДУЛЛАЕВ.



БАХТЛИ ОИЛА

Тошкент шаҳрининг «Авангард» маҳалласида ажойиб бир хонадон бор. Унинг соҳиблари мисолида миллатлараро дўстликнинг ажойиб намуносини кўриш мумкин. Уларнинг шу ажойиб фазилатларини ҳамма ёқтиради, ҳавас қилади. Барчага ибрат бўлган мазкур хонадонда қўш байрам. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Амирхон Қусаевни қутлуғ 70 ёши ҳамда шонли сана — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни билан муборакбод этгани тўкин дастурхон атрофига фарзандлари, яқинлари, қариндош-уруғлари тўпланишган.

...Улуғ Ватан урушининг бошланиши арафасида Амирхон Қусаев ўз тенгқурлари қатори Ватанимизнинг жанубий чегараси ҳимоясида йигитлик бурчини ўтаётганди. Давр тақозоси билан уйига қайтишга эмас, балки қўлидаги қуроли билан она-Ватанни немис босқинчиларидан ҳимоя қилишга тўғри келди. 1941 йилнинг октябрь ойидан бошлаб 1945 йилнинг августигача фронтнинг олдинги марраларида бўлдн. 1947 йил май ойига қадар Берлин шаҳри ҳимоячилари сафида хизматини давом эттирди. Жанг майдонларида партия сафига қабул қилинди. Ғалабадан сўнг кўпгина жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган Амирхон Қусаев рафиқаси Зинаида Михайловна Қусаева билан яна онашаҳри — Тошкентга қайтди.

— Урушнинг оғир йиллари эди,—деб эслайди Амирхон ака.

— Яралар ҳолатда госпиталга олиб боришди. Бир неча кун ҳушсиз ётдим, вужудимда ҳаёт-мамот кураши борарди. Ниҳоят, ишаш иштёқи ғолиб келди. Бунда қўли енгил врачларнинг ҳиссаси катта бўлди. Меҳрибон доктором Зинаида эса ўз тақдирини мен билан боғлади.

Мана ўша воқеага ҳам 48 йил бўлибди. Улар ҳозир саккиз фарзандининг ота-онаси. Уларга ҳамманинг ҳаваси келади. Қусаевлар сулоласи ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан эндиликда барчага ўрнак бўлишмоқда. Бари уйли-жойли. Вилор — шофёр, Татьяна — Тошкент халқ хўжалиги институтида катта ўқитувчи. Гуля — мактабда ўқитувчи. Евгений — политехникумда ўқитувчи, Алишер — учувчи. Гулнора — болалар шифокори. Фотима — туғруқхонада ҳамшира. Зуҳра сотувчи бўлиб ишламоқда. Қуёвларининг уч нафари ўзбек, биттаси озарбайжон, яна бири қозоқ. Келинларининг икки нафари рус ва бири қозоқ. Ҳаммаси бир ерга жам бўлиб қолган кезларда ўзбек, қозоқ, рус ва озарбайжон тилларида гаплашадилар. Улар эндиликда асосан ўзбек халқи урф-одатларини ўзлаштириб, тинч-тотув турмуш кечирмоқдалар. Бахтли оилада 18 невара тарбияланмоқда.

Амирхон Қусаев хонадонидаги ҳаёт ширин, тотув ҳаёт болаларига ҳам катта ўрнак бўлаётир.

Донна ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: байналмилал авлод.

БИРОВЛАР ТАШВИШИДА

ҚАҲРАМОН ака кўп қаватли уйга кўчиб келди-ю тинчи бузилди. Ишдан қайтгач ҳамма уй-уйига кириб кетади. Одамларнинг бир-бири билан иши йўқ. Ёнингдаги кўшнинг ким, тепа қаватларда кимлар яшайди, билмайсан. Бир куни янги жойга кўниколмай зерикиб юрган отахонларга кўнгилдаги гапларни тўкиб солди.

— Қадим Тошкентда ҳам даҳалар, юзлаб маҳаллалар бўлган, — деди Тўхтасин ота Жумаев. — Меҳр-оқибат, инсонийлик туйғулари ана шу маҳаллалар, гузар ва чойхоналарда қарор топиб, халқимизнинг ажойиб фазилатларига айланди. Қадимгилар «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деб бекорга айтишмаган. Ана шунақа ўғлим, маҳаллада гап кўп.

Унинг бу фикрини бошқалар ҳам маъқуллашди. Шу суҳбат сабаб бўлдию, Қаҳрамон ака ишга киришиб кетди. Биринчи навбатда хонадонларни бирлаштириб, одамларни қовуштирадиган маҳалла кўмитаси зарур эди. Шу боис дастлаб 35 та кўп қаватли уйдаги 285 хонадондан иборат «Сергели-3» маҳалласи ташкил топди. Аммо идоранинг кўзлаган ишлари-чилик туғдира бошлади. Чунки ҳеч ким келганлар дуч келган жойда қабул қилинмарди. Маҳаллада тўй ва маъракалар ўтказиладиган бўлса, стол-стул, идиш-товоқ ва бошқа жиҳозларни топишда хонадон эгаси анча қийналар эди.

Қаҳрамон ака маҳалла фаолларн ва оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, ҳашар йўли билан клуб қуришга келишиб олди. Лойиҳа тайёрланди. Жой ҳам белгиланди. Аммо «маданият масканидаги карнай-сурнай, музика шовқинида яшаб бўлмайди», деб юқорн идораларга шикоят қилувчилар топилди.

Қурилишни тўхтатиб қўйишди. Қаҳрамон ака тунлари ухлай олмади, асабийлашди. Ҳар қадамда изнигни, сўзингни пойлайдиган, табиатингдан хато излайдиган одамлардан қачон халос бўлар-канмиз, деб сиқилди.

— Район ижроия қўмитасига бордик, — деди у биз билан суҳбат пайтида. Узоқ баҳслашдик. Бу масала бир неча бор муҳокама қилингач, охирги йиғилишга мутасадди ташкилотлардан вакиллар ҳам келишди. Масала ҳал бўлмагунча маҳалла аҳлининг бирортаси тарқалмади. Узоқ тортишувлар, баҳс-мунозаралардан сўнг клубни қуришга рухсат тегди.

Кўпдан иш қочиб қутулармиди? Халқнинг иродаси ва кучи билан замонавий маданият маскани пойдевордан то томигача фақат ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Ниҳоят, шу йил бошида зал, новвойхона, овқат пиширилладиган хона, самовархона, асбоб-ускуналар учун омборхона, тўй-ҳашамларга мўлжалланган хонтахталар билан безатилган алоҳида хона, таванхона, маҳалла идорасидан иборат клуб қад кўтарди. Иссиқ-совуқ сув, совутгич, канализация ва бошқа қулайликлар билан таъминланди.

— Умридан барака топсин, Қаҳрамон, — дейишади кексалар. — Ёш бўлишига қарамай кўп қаватли уйлардаги одамларнинг бошини қовуштирди. Маҳалланинг обод бўлиши ва гуллаб-яшнашига бош бўлиш осонми.

Биз «Сергели—3» даҳасидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида олиб борилаётган айрим ишлар ҳақида ҳикоя қилдик, холос. Маҳалла кўмитасининг раиси Қаҳрамон Мирафзалов нафақат жамоат орасида, балки ўзи узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилаётган Куйбишев район санитария-эпидемиология станциясида ҳам катта обрў қозонган. Унинг кўксини «СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси» ва «Меҳнат ветерани» нишонлари безаб турибди.

Дамира РАУПОВА.

«Маҳалладош»га хатлар

Охунбобоев ҳайкали тикланса

«Гулбозор» Тошкентнинг энг қадимий маҳаллаларидан бири саналади. Кейинги пайтда бу жойда мислсиз ўзгаришлар бўляпти. Ҳадра майдони, Чорсу даҳаси, Кўкалдош мадрасасининг ён-атрофлари кўз олдимизда кўркамлашиб бормоқда. Айниқса Боғ Университет магазини, кўпқаватли уйлар ва «Чорсу» меҳмонхонаси олдидаги майдонда жумҳуриятимизнинг биринчи президенти Йўлдош ота Охунбобоевнинг ҳайкали узукка кўз қўйгандек файз киритиб турган эди. Аммо қурилиш бораётган пайтда ҳайкал олиб ташланди.

Энди бу жойлар обод бўлди. Халқимизнинг муносиб фарзандига қўйилган ҳайкални яна тиклаш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Маҳалла аҳли номидан:
Ш. ИЗЗАТОВ, А. ОРИПОВ, О. МУСУРМОНОВ, Н. АБДУРАШИДОВ, М. УСМОНОВА.

Алмаштирилган жиҳозлар

Ҳадемай ёз келиб, болалар майдончалари яна кичкинтойлар билан гавжумлашиб қолади. Ана шу дамлар шодон ва мазмунли ўтиши учун Октябрь районидаги 6-турар жой бошқармасининг хўжаликлари пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Бешёғоч даҳасидаги майдончанинг қурилганига икки йилдан ошди. Шу вақт ичида айрим жиҳозлар эскириб, ремонталаб бўлиб қолган эди. Яқинда соғломлаштириш масканидаги футбол майдони текисланди, атрофига кум сепилди. Бундан ташқари темир тўсиқлар, футбол дарвозаси, турник, волейбол устунлари созланиб, қайтадан бўяб чиқилди. Бир қанча жиҳозлар эса алмаштирилганини таъкидлаш зарур.

Ғ. ЮСУПОВ.

ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ ОЧИЛДИ

ЧОЙХОНАСИ йўқ маҳалла-маҳалла эмас. Шу сатрларни ўқиган ҳар бир ўзбек бизда унақа маҳалла йўқ дейди, албатта. Бор эди, азизлар. Биз фикр юритмоқчи ва бўлган жойда илгари чойхона бўлмаган.

— Болам, бундан уч-тўрт йил олдин рўпарамиздаги ташландиқ жойни обод қилиш учун кўп югурдим, — деди 107 ёшли Усарбой ота Нуралиев. — Иложи бўлмади. Катталарнинг бировн ундок деса, бошқаси бундок, деди. Жуда қийналиб кетдим. Маҳсадим— чойхонада кексаю-ёш чой ичса, хордиқ чиқариш баҳонасида ҳамжиҳат бўлсалар, дегандим.

Суҳбатга маҳалла комитетининг раиси Маҳмуджон ака Султонов кепиб қўшилди:

— Шу жойда чойхона очишга Усарбой ота кўп ҳаракат қилдилар. Орзуси бугун амалга ошди. Отахонимиз кўп умр кўрсинлар, ниятлари холис экан. Шунинг учун бу ормогоҳни рамзий маънода «Оталар чойхонаси» деб атадик.

Иш бошланганда Бурхон ака Мавлонов, Муродбек Рустамбеков, Собиржон Дадабоев сингари обрўли кишилар четда қараб туришмади. Маҳаллада, асосан, турли миллатга мансуб халқлар яшашади. Маҳмуджон ака улар билан тил топишди. Байналмилалчиликнинг биринчи ўринга қўйди. Кўпчилик билан маслаҳатлашиб, маҳаллага «Дўстлик» номини берди.

Наврўз куни эрта саҳардан карнай-сурнай наволари одамларни «Оталар чойхонаси»га чорлай бошлади. Кираверишда кексалар ноз-неъматлар, сумалаклар билан безатилган дастурхон атрофида меҳмонларни кутардилар. Ҳовлига қатор-қатор столлар қўйилган. Гуллар кўзларни қамаштиради, бахри-дилни очади. Сирасини айтганда, шодиёна байналмилал байрамга айланиб кетди. Бу ерга ташриф буюрган турли миллат вакилларн Наврўзни олқишладилар. Москвалик меҳмонлардан А. А. Латухов, А. М. Яблочник, А. Я. Яфасовлар бундан тантанада биринчи марта иштирок этаётгани, унинг нақадар гўзаллиги тўғрисида тўлиб-тошиб гапиришди.

Ўйлайманки, 3, 6, 23, 29-трамвайларнинг Хабаровск бекатидаги кўчанинг чап томонида қад кўтарган уй атрофида ташкил этилган бу маҳаллага Ҳамза район Совети ижроия комитети оталик ўрдамини бундан кейин ҳам аямайди. «Оталар чойхонасига келиб, бир пиёла чой ичиб кетинг, азизлар!

Сафо ОЧИЛ.



«Наврўз ҳалимингиз асалдан ҳам ширин бўлибди, отахон!».

Р. Шарипов сурат лавҳаси.

Анъаналар—халқ мулки

АРДОҚДАГИ АЙЁМ

ШАҲРИМИЗНИНГ Ҳамза районидаги 204-ўрта мактабда ўқувтарбия ишларини ҳозирги замон талаблари асосида олиб бориш, ўқувчиларни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш, уларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида камолотга етказишга жуда катта аҳамият бериляпти. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Мактаб директори Убайдулла Ғафуров билан қилган суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақда бўлди.

— Дарҳақиқат, фарзандларимизни чин инсонлар қилиб тарбиялаш биз педагоглар зиммасига жуда катта масъулият юклайди, — дейди У. Ғафуров. — Ана шуни ҳисобга олиб биз мактабда турли хил тадбирлар ва маросимларни ўтказишга муҳим аҳамият бераяпмиз. Чунки бундай тадбирларнинг мактаб ўқувчиларини етук инсонлар қилиб тарбиялашдаги роли жуда ҳам сезиларлидир. Халқимиз ардоғидаги байрам — Наврўз айёмини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида бунга яна бир бор амин бўлдик. Чиндан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети халқимиз маросимлари, урф-одатлари ва байрамлари борасида амалга ошираётган тадбирлари меҳнаткаш халқимизга жуда ҳам манзур бўлмоқда. Жумладан, қадим-қадимда Шарқда, серқуёш Ўзбекистонимизда жуда кенг тарқалган азалий халқ байрами — Наврўзнинг тикланиши жуда ҳам хайрли иш бўлди. Ана шу боисдан биз мактаб педагоглар жамоаси баҳор ва дўстлик байрамини кўнгилдагидек ўтказишга ҳар томонлама тараддуд кўрдик.

Чиндан ҳам Наврўзга бағишланган бу тадбир ҳамманинг эсида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Уни тайёрлаш ва уюшқоқлик билан ўтказиш борасида мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиларидан Шоира Бадалова, Умри Тошматова, тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси Сафура Ражаматова, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Матлуба Ахметовалар-нинг жонбозлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Шу куни баҳор ва дўстликка бағишланган шеърлар янгради, дастурхон устига навбаҳор таомлари тортилди. Уни тайёрлашга Абдувалиевлар, Ҳайитметовларнинг оиласи, мактаб меҳнат ўқитувчиси Эркин Азимовнинг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди.

Наврўзга бағишланган бу тадбирни ўтказишда мактабнинг 11-«Б» синф ўқувчилари ҳам гайрат кўрсатишди.

Содир БОБОЕВ.

СУРАТЛАРДА: мактабда ўтказилган шодиёнадан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.





Муштарийлар учун учрашув

Юлдуз УСМОНОВА:

«ХАЛҚИМ ЭШИТСА БЎЛГАНИ»



⊙ **Таниқли хонанда Юлдуз Усмонова ҳақида мақола беришимизни сўраб битилган хатларга биз 1990 йилда у ҳақда ёзишни режалаштирганимизни айтган эдик. Хатлар эса ҳамон келяпти. Ваъда вафоси деганларидек бугун биз қуйидаги мақоланы муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.**

Сўзламоқ эрсанг гапингни буркама пардоз билан,
Келса ким қошингга боққин эътибор, эъзоз билан.
Ўз камолингга ўзинг сен посбону соқчи бўл,
Инсон инсондир ҳамиша ҳамфикр, ҳамроз билан...

ШУ СЎЗЛАР билан бошланувчи қўшиқ радио, телевизор орқали тараланда ёки кўча-кўйда овоз ёзиш уйлари, магнитофон кассеталарида янграётганини эшитганимда қалбимни аллақандай ҳаяжон қамраб олади. Шу қўшиқ халққа етиб боришида озгина бўлсада ҳиссам қўшилганидан қувонаман.

Бир куни хонамизга Юлдуз Усмонова кириб келди. У билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, у «Грамстудияда бир қўшиқ ёздирдим» — деб қолди. Мен «Агар иложи бўлса кечиктирмай кўчиртириб олиб келсангиз, бадиий кенгаш муҳокамасига қўярдик. Фақат грамстудия ёзуви бўлгани учун пул тўланмайди», — дедим. У бўлса «Халқим эшитса бўлгани. Пули керакмас. Куйини ҳам ўзим ишлаганман», деб жавоб қайтарди.

Орадан уч кун ўтгач, Юлдуз бир қўшиқ олиб келди. Биргаликда эшитиб кўрдик. «Маъқул. Қўшиқ сўзларини ёзиб қолдириб кетинг», — дедим. Уни бадиий кенгашга тайёрлаш жараёнида шоир Охунжон Ҳакимовнинг ғазалида бир сатр тушиб қолганини сездим. Шундай бўлсада кўпчилик муҳокамасига қўйдим.

Бадиий кенгашда, «Ғазалдан бир сатр тушиб қолган. Бу ҳолатда қабул қилолмаймиз», — дейишди шоирлар. Бастакорлар куйи ҳақида фикр билдиришди. Шунда бадиий кенгашга раислик қилувчи одам ачиниш билан «Лекин қўшиқ жуда чиройли чиққан экан», дедилар. Мен баҳсга аралашиб, «Қўшиқ грамстудияда ёзилган. У ерда ҳеч ким сатрма сатр текширмаган бўлса керак. Энг одил баҳони халқ беради. Халққа манзур бўлса, сўзини тузатиб ёздириш қийин эмас» деб фикримни айтдим.

Бу гапни бош муҳаррирмиз маъқулладилар.

Ҳар якшанба куни бериладиган «Янги музикали ёзувлардан тузилган концерт»лардан бирида радио тингловчиларга икки оғиз Юлдуз Усмонова ижросидаги қўшиқни ёзиб олди. Тез орада бу пластинка ҳурматли оқшомхонлар хонадонига кириб бориб, дилларини яйратса, қалбларига ҳузур бағишласа ажаб эмас.

Муҳайё МИРСАИДОВА,
Ўзбекистон радиоси мусиқали эшиттиришлар бош редакциясининг муҳаррири.

Йиллар ўтиб бу гап ҳақиқатга айланди. Санъаткор маҳоратини санъаткор тан олиши ҳам яхши фазилат.

Юлдузнинг таржимаи ҳоли қисқагина. Марғилонда туғилиб ўсди. Меҳнат фаолиятини Марғилон шаҳридаги шойи тўқиш комбинатида бошлади. Шу корхонада кўп йиллар меҳнат қилган Раҳимахон ая ўзи бир вақтлар куйлаб юрган «Қоқинаман» халқ қўшиғини қизи ўзгача бир жозиба, меҳр-муҳаббат билан айтаётганини кўриб, унда ўзи билмаган «нимадир» борлигини ҳис этди. Юлдуздаги қизиқишни сезган ая қизининг Тошкентга бориб таҳсил олишига қаршилик қилмади.

1984 йили музика-педагогика билим юрти талабаси Юлдузнинг истеъдоди устозлар диққатини тортди. Мураббийлари унга Тошкент Давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси факультетига ўқишга киришни маслаҳат беришди. Юлдуз ҳозир шу факультетнинг III курс талабаси.

У 1987 йили Бутуниттифоқ «Янги номлар» радиоконкурсининг 1-мукофоти билан тақдирланган эди. Кейинги йили Юрмалодаги «Эстрада қўшиқлари» телевизион конкурсида муваффақиятли иштирок этиши, Москвада халқаро овоз танлаш бўйича синовда яхши баҳо олиши — санъатнинг сермашаққат оламига яна бир умидли қўшиқчи кириб келаётганидан далолат эди.

Юлдуз шунча ижодий ишлар билан бирга оиладаги ишларига, қизи Нилуфарнинг тарбиясига ҳам вақт топа олади.

«Ҳамроз билан», «Ёр-ёр», «Настарин» ва бошқа бир қатор қўшиқларининг оҳанги Юлдуз Усмонова изланишларининг маҳсулидир. Бундан ташқари деярли ҳар куни «Онажон», «Йироқ юр» (О. Ҳакимов) қўшиқлари эфир орқали таралмоқда. Халқ эса бу қўшиқларни севиб тинглайди. Санъаткор учун энг катта бахт ҳам шу аслида.

Яқинда Тошкент грампластинкалар студияси Юлдуз Усмонова ижросидаги қўшиқларни ёзиб олди. Тез орада бу пластинка ҳурматли оқшомхонлар хонадонига кириб бориб, дилларини яйратса, қалбларига ҳузур бағишласа ажаб эмас.

Муҳайё МИРСАИДОВА,
Ўзбекистон радиоси мусиқали эшиттиришлар бош редакциясининг муҳаррири.

Маданият янгиликлари

«БУЛБУЛЧА» ИСТЕЪДОДЛАРНИ ТЎПЛАМОҚДА

«Булбулча» республика кўрик-конкурси истеъдодли ёш ҳаваскорлар ва касаба союзлари маданият уйларининг тўгарак раҳбарларн учун ўзига хос имтиҳон бўлади. Ўзбекистон касаба союзлари кенгашн ҳузурида тузилган ташкилий комитетнинг биринчи мажлисида кўрик-конкурсни ўқувчиларнинг баҳорги таътил кунларига тўғри келадиган «Наврўз» байрами кунида очишга қарор қилинди. Унинг якунларн эса Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун — 19 майда чиқарилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ икки мингдан зиёд болалар коллективлари кўрикда қатнашиш истагини билдирди.

Байрамни уюштирувчиларга ўз программаларига халқ ижодиётининг анъанавий жанрларинигина эмас, шу билан бирга санъатнинг рок-балет, пантомима, бал рақсларн каби замонавий турларини ҳам киритган конкурс иштирокчиларидан анча қизиқарли таклифлар тушди.

ТИНЧЛИК ФОНДИ — ИЖТИМОИЙ РЕЖАЛАРГА

Совет тинчлик фонди ўзбекистонликларга ижтимоий режаларни амалга ошириш — республикада оталиқ хизматини ривожлантириш, уйда ижтимоий ёрдам бериш бўлимларини очиш, касалларни овқатлантиришга қилинадиган харажатлар нормасини ошириш ва дори-дармонлар сотиб олиш учун уч миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказди.

Совет тинчлик фонди ва унинг Ўзбекистон бўлими мақсадларига ҳам ишлатилмоқда. 1941—1945 йилларда халқ бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатиш ва халок бўлганларнинг оилаларига моддий ёрдам бериш учун 33 минг сўм пул ўтказилди. Тинчлик фонди Сирдарё бўлимининг ташаббуси ва маблағи билан Жиззахда шу йил баҳорда юз гектарлик Тинчлик боғи барпо этилади. (ЎзТАГ).

Жасоратнома

Қон теккан тумор



АФҒОНИСТОНДА хизмат қилган байналмилалчи-жангчи Ҳикматжон Исмоиловнинг энг сўнгги йўллаган мактуби уни она ер ўз бағрига олганидан кейингина ўз волидаси қўлига етиб келди. Хатнинг қуйидаги сатрлари аламини ичига аранг ютганлар қалбини тилка-пора қилиб юборди.

«Онажоним, менда бир илинж,
Кўксингизга бошимни қўйсам.
Соғинчлардан талпинган қалбим
Кошки таскин топсайди шу дам.

Онажон, бу мисраларни сизга атаб ёздим. Мени ўйлаб хавотир олаверманг. Ҳали ҳаммамизга кўп керак бўласиз. Илтимос, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Менга сиз соғомон бўлсангиз бўлгани. Ўғлингиз Ҳикматжон».

Ўзга юртда юриб, оғир кунларида энг яқин кишисининг кўксига бош қўйишни ҳўмсаган Ҳикматжонга бу насиб этмади. Ҳаёт билан видолашаётган кезлари, тепасида энг яқин жигарбандларидан бироятси ҳам бўлмади. Онанинг қалбида бу армон алам бўлиб тутайди. Ота нуридийдасининг тобути устида аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкди.

— Темир тобутни очмасам бўлмайди, ичидаги менинг ўғлимми ёки бошқами?!. Ўз кўзларим билан кўришим керак, — деб туриб олди. Ўшанда бечора она кўксига бош қўйишни қўмсаган ўғлининг боши узра куйган сочлари аралаш қон эканлигини кўриб қолди...

1977 йил сентябрь. 3-синф. Сакизинчи отряд пионерлари тушган бу суратнинг иккинчи қатори бошларида турган Ҳикматжоннинг тийрак кўзлари, унинг бутун вужуди ҳар қандай шароитда ҳам масъулиятни тан олишга мойил эканлиги ҳақида ҳикоя қилади. Ўша кезларда оёқларини ечиб, бамайлихотир турган бу бола кейинчалик мазкур отряд унинг номи билан аталишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Ҳикматжон кўпинча нонвойчилик қилаётган бобосининг ёнида туриб, унинг ишини жимгина кузатиб ўтирарди. Кези келганда ёрдамлашиб, керакли нарсаларни югуриб олиб келарди. Ясалаётган нонга ҳар чакичи урганида бобосининг силкинаётган туморига қизиқиб тикиларди. У оқ яктагининг кўксига қадалган эди. Бобоси туморини ҳеч қаерга қўймас, алмаштирган яктагига эса, дарров чатиб қўярди.

— Бобожон, буни нега доим тақиб юрасиз? — сўради кунларнинг бирида Ҳикматжон.

— Эй, болам, бу кишини ҳалол юришга, шунингдек, кимлардир керак эканлигини эслатиб туради. Умрингни зое ўтказмаслик учун уни қандайдир мўътабар ишга сарфлашинг муҳимлигини кўнглингга солиб туради, болам.

Бобоси Ҳикматжонга уруш вақтида кўз ўнгида бўлиб ўтган қаҳрамонликлар ҳақида сўзлаб берарди.

Ҳикматжон эндигина тандирдан узилган иссиқ нонларни аравага териб, жин кўча бўйлаб борар экан, «Мен ўтаётган умримни нимага бағишлаяпман?» дея ўз-ўзига савол берарди. Эшиклардан қийиқчасини қўлтигига қистириб, унинг нон олиб ўтишини кутаётган қарияларга кўзи тушиб кўнгли таскин топарди. «Улар мени кутишаяпти, демак менинг ўтаётган кунларим беҳуда эмас... Ҳеч бўлмаганда дастурхон устида нонни ушатиб туриб, етказиб келганинг «қўли дард кўрмасин» деб эслашадику! Демак, менинг ҳам умрим зое ўтмаяпти...».

Ҳикматжон мактабни битириб, 40-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди. Уни битирдию, армияга кетди... Ҳали элликдан ошмаган бечора онанинг қадди долдек эгилди. Айрилиқ дарди ёмон экан, бир неча бор тўшакка михланиб қолди.

Мен кириб келганимда Тожихон ая кўришгани ўрнидан туролмади. Оёғига кўрпа ёпиб олган кўйи ёстиққа суяниб ўтирарди.

— Хизматдаги кичик ўғлимизни кўргани Ашхободга борган эдик. Икки кун бўлди қайтганимизга. Марҳум Ҳикматжон ҳам Афғонистонга кетиш олдидан 6 ой ўша ерда бўлган эди. Отаси икковимиз 1986 йилнинг февраль ойларида уни кўргани борган эдик. Ҳикматжон билан энг сўнгги хайрлашган жойда тўхтадик. — Тожихон ая бошқа гапиролмай қолди, томоғига нимадир тиқилди. Кўзларидан аста ёш қалқди. Ҳазин, ингроқ овоз билан йиғисини ичига ютди. Назаримда бундай аламли йиғиларни 4 йилдан бери ютаверибдек, бутун вужуди эриб кетгандек туюлди.

— Ашхободдан қайтдик-у, — давом этди у ўзини босиб олгач, — икки оёғим йўқ бўлиб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Ўрнимдан туриб юролмаяпман...

Ўғлининг ўлимидан сўнг Тожихон Раҳимованинг дардига дард қўшилди. Ҳозир қандли диабет ва қон босим хасталиклари билан оғриб келади. Ўзи Собир Раҳимов районидаги болалар санаторийсида ҳамшира бўлиб ишлайди. Пенсияга ҳам оз қолди.

— Аммо ана шу вақтни ўтказишга кучим етмаяпти, — дейди у зорланиб, — Ҳали у дарддан қутулсанг, яна бошқаси оёғинг остидан чиқади.

...Ҳикматжон Исмоиловни 1985 йил ноябрь ойида хизматга кузатгандилар. Ҳикматжон вокзалда яқинлари билан хайрлашар экан, бобоси унинг кўксига ўзи эъзозлаб юрган туморини авайлаб қадаб қўйганди.

Поезд кетишга охирги гудокни чалди. Хизматга чақирилган йигитларнинг ҳаммаси вагонга чиқди. Ҳар бир вагоннинг эшигига катта ит боғланган эди. Йигитлар итларнинг важоҳатидан вагон эшигига яқин келолмасдилар. Паровоз ўрнидан қўзғалди. Оҳиста айланаётган ғилдираклар тезлашди. Шу бир лаҳзада Ҳикматжон вагондан сакраб, онасининг бағрига отилди. Шашқатор ёшлардан ҳўл бўлиб кетган онасининг юзларини икки қўли орасига олдию, шиддат билан у юзи, бу юзидан ўпиб қучди. Эсанкираб қолган Тожихон ая негадир бундан 17 йил аввал ширин сўзли ўша ҳамшира чақалоғини биринчи марта олиб кирганида, уни тўйиб-тўйиб бағрига босганини хаёлидан ўтказди. Ўшанда Ҳикматжон кафтларига сиққан, икки қаричгина эди... Ҳикматжоннинг басавлат елкасига энди қўл узатган ҳам эдики, юлқиниб онасининг бағридан чиқди-ю, тезлашаётган поезд сари чопди. Эсини йўқотган Тожихон аянинг жони ҳалқумига тиқилиб:

— Йиқиласан... Болажоним, йиқилиб кетма, — деганича қолди.

Ҳикматжон икки қўлини бор бўйи кўтариб хайрлашар экан, орқаларо юра-юра вагонга чиқиб олди...

«Салом онажон, отажон! Аввалambор инсон учун сув ва ҳаводек зарур бўлган соғлиқларингиз яхшими? Онажон, ўзингизни сақланг. Мендан хавотир олманг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Биз яна илгаригидек бирга бўламиз» — деб ёзганди Афғонистондан йўллаган дастлабки хатларидан бирида. Мен ҳозир дивизия комендатурасида қоровул турган болаларга овқат тайёрлайман. Хизматим оғир эмас. Бир кун ишласам, бир кун дам оламан. Ошпазлик қилаяпман. Қорним тўқ, эгним бут. Хавотир олманглар!», Ҳикматжон бу сатрларни деярли ҳамма хатларида такрорларди.

Аслида-чи? Аслида у ҳеч қачон ошпаз бўлмаган. Буни у билан бирга бўлган ҳарбий қисмдагилар айтишди. У танкчи эди. Ўзининг пўлат танкида аёвсиз ўқ ёғилаётган жанг майдонига тушиб, душман билан олишар эди. 1986 йил 11 октябрь куни навбатдаги жанг бўлаётганди. Шу вақт қаттиқ портлаш юз берди. Кўз олдини қоп-қора дуд қоплади. Бироздан сўнг Ҳикматжон олдинда танкларнинг ёнаётганлигини кўрди. У ёрдам учун шошилди. Ёнаётган танк ичидан беҳуш ётган дўстини тортиб олди. У оғир яраланган эди. Ярадорни хавфсиз жойга олиб боргач, иккинчисига чопди. Уни ҳам қутқариб, учинчисига борди. Ёнаётган танк люки қопқоғини очиб, қўлларини танкчига узатди. Аммо уни тортиб ололмади. Орқасидан узилган ўқ зарбидан сесканиб қаддини кўтарган ҳам эди-ки, иккинчи ўқ кўксига қадалди. Қоқ юрагига теккан бир парча қўрғошин ўн саккиз ёшли навқирон умрини хазон қилди. Ҳикматжон Исмоилов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Вафотидан сўнг унга Қизил Юлдуз ордени берилди.

...Темир қутини очганларида Ҳикматжоннинг кўксига қадалган туморга кўзлари тушди. Бобоси қон доглари сачраган ўзининг туморини таниди. Уни титроқ кафтларининг орасига олиб ҳўнграб юборди.

Тумор унинг қўлига даҳшатли жанггоҳлар бўйлаб жигарбандининг қони билан доғланиб қайтганди. Балки бу тумор ўша аянчли дақиқаларда Ҳикматжонга ўз бурчига содиқ бўлишни доимо эслатиб тургандир. Ҳалок бўлаётган дўстлари томон талпинганида, ўзининг кимларгадир керак эканлигини кўнглига солиб тургандир. Балки, бу тумор жин кўчалар бўйлаб нон аравани тортиб юрган кезларидаёқ ўз умрини халоскорлик каби мўътабар иш билан боғлашга ҳавас уйғотгандир...

Комила СУЛТОНОВА.

Ёшлик маҳорати

ШАҲРИМИЗДА ўтказилган «Санъат байрами» кўригида А. Набиев номли пионер ва ўқувчилар уйи қошида ташкил этилган «Ёшлик» вокал-чолғу ансамбли биринчи ўринни қўлга киритди. Жамоага ёш, истеъдодли санъаткор Салоҳиддин Нуралиев раҳбарлик қилмоқда.

Мусиқавий кеча

М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида ёш ўқитувчилар ва талабалар билан турли мусиқавий учрашувлар уюштириш анъанага айланган. Яқинда шундай учрашувлардан бири консерваториянинг ёш истеъдодли ўқитувчиларидан Анвар Лутфуллаев, Энвер Сеит Абдулов ва Илҳом Икромовлар билан бўлиб ўтди.

Санъаткорлар ўзбек халқ музикаси, қардош жумҳуриятлар оҳанглари, рус ва чет эл бастакорларининг асарларидан намуналар ижро этиб, мухлисларини хушнуд этдилар.

Дония ЗОКИРОВА.



⊙ «ЧЕҲРАЛАРДА ГУЛГУН ТАБАССУМ...» С. Маҳкамов сурат лавҳаси.



«ҚУВНОҚ РАҚҚОСАЛАР». Ҳ. Шодиев сурати.

Ҳукм ўқилгандан сўнг

Устаси фаранглар ва лақмалар

Балки ушбу сатрларни ўқиётган оқшомхонлардан баъзилари бу қаллоблардан «тилла» тақинчоқлар сотиб олган бўлсалар ажаб эмас. Чунки ўзимиз эшитган ва кўрган воқеалар шундай тахминни айтишга имкон беряпти...

Қўшнимиз Маъсудахон сафар тайёргарлигига ҳозирлик кўра бошлади. Уйдагиларнинг айтишича, у Қримга дам олиш учун кетаётган экан. У жўнаган куннинг эртасига баногоҳ Маъсудахонни паришонхотир кўчада кўриб кўзларимизга ишонмадик. Ё тавба, нега тез қайтдийкин? Билсак, у Тошкент аэропортининг ўзиданоқ қайтган экан...

Маъсудахон машинадан тушиб қўлларига эндигина сафар халтасини олган экан, унга икки нотаниш киши яқинлашибди. Қўлидаги қутичани очиб ичидаги узукни кўрсатибди.

— Пул зарур опа, керак бўлса арзон-гаров сотамизу кетамиз.

— Қанча?!

— Икки юз сўм.

«Вой тавба, дўконда нақд тўрт юз сўм турадиган молни тенг ярмига сотишса-я!». Шундай хаёллар билан Маъсудахон узукка синчков тикилиб қолибди. Қараса ҳаммаси жойида. Худди дўкондагидек бекаму-кўст.

Арзонлигига қизиқиб сотиб олаётган экан, сотувчилар:

— Керак бўлса яна бор, — дейишибди.

Маъсудахон тушмагур қизиқиб кетиб бир йўла икки узукни тўрт юз сўмга сотиб олибди-ю чўнтагига урибди. Орадан ярим соатча вақт ўтиб ҳамроҳ дугонаси келгач, Маъсудахон унга мақтаниб узукларини кўрсатмоқчи бўлиб қутичаларни очса, воажаб улар оқариб ётганмиш.

Сафар сафарда қолибди. Маъсудахон узукни кўтариб милицияга югуribди...

Улар бир-бирлари билан ҳушёрхонада топишишди. Олдингига роса тепкилашишди, кейин дўстлашишди. Бартанов билан Федоров «меҳмонхона»га битта машинада келишди. Жойлашиб олишгач, икковлари бир-бирларига узоқ тикилиб қолишди.

— Мунча тикиласан ит, — сўкинди Бартанов.

— Турқинг таниш кўринаяптида, эшак...

— Нима?!

Рақиблар ёқа бўғишишди. Ташқаридаги навбатчилар эшитмасин учун имо-ишора билан «куч» синашди.

— Қўйсаларингчи, аҳмоқлар, — уларни муросага келтирган бўлди, ширин уйқудан бенасиб бўлган Негодяев. Эшик очилиб навбатчининг «тинчлик сақлансин» деган буйруғи эшитилди.

Улар ноилож жойларига бориб ўтиришди. Билаклар муштдан тийилган бўлсада кўзлардаги қаҳр анчагача сўнмай турди.

— Яхшиси танишайлик. Камина уч марта қамоқхона юзини кўрган Олег Негодяевман.

— Александр Федоров — беш марта қамалганман. Энди бўлса мана бу тўнка...

У рақибига ташланмоқчидек олдинга икки-уч қадам ташлади.

— Яқинлашма, каллангни сапчадек узиб ташлайман.

Бартанов гўлдираб, жойига ўтириб қолди. Унинг кўз олдига бир мудҳиш воқеа келди.

...Ўшанда у Олтой ўлкасининг Рубцов шаҳри қамоқхонасида навбатдаги жазо муддатини ўтаётган эди. У билан ёнма-ён ўриндиқда ётувчи «дўсти» Юдин билан маслаҳатлашиб бир қарорга келишди. Битишувга кўра Бартанов сариқ жездан қалбаки билакузук ва турли тақинчоқлар тайёрлайдиган, Юдин эса бу «олтин» буюмларни қамоқ жазосини ўтаётган шерикларига чой, сигарета ва бошқа маҳсулотларга алмаштирадиган бўлди. Аммо Бартанов баъзи ўринларда Юдиннинг ғирромлигини сезиб қолди. «Хап сенними» деди-ю, бир куни ошхонадан ўғирлаб келган пичоғи билан «дўстини» чаккалаб ташлади. Юдин ётган жойида жон таслим этди.

Бартановни яна 10 йил муддатга ҳукм қилдилар. У жазони қаттиқ режимли қамоқхонада ўтай бошлади. Шундай балолардан омон қолган Бартановга мана бу жўжахўрозни тинчитиш нима деган гап! Лекин яна жазо олиб қамоқхонага тушиб қолишни истамайдида. Ахир шундоқ ҳам у 40 йиллик умрининг ярмидан кўпини махбусликда ўтказгани етар.

Шу мақсадда Федоров билан келишишга аҳд қилди. Бунинг устига унга ҳозир мўмай пул топиш учун мана шунақа ҳамтовоқлар керак эди. Шуни ўйлаб Александрга қўл чўзиб ярашишни таклиф этди.

— Йигит деган мана шундай бўлтида, — келишувдан хурсанд бўлиб кетди Олег Негодяев.

Геннадий ва Александр узоқ қўл олишиб туришди. Учликнинг танишуви шундай қарор топди. Улар шу куни тонггача мижоз қоқмай ширин ҳаёллар оғушида кезишди. Келишувга кўра Г. Бартанов «заргарлик» қиладиган, А. Федоров ва О. Негодяевлар «тилла» буюмларга харидор топадиган бўлишди. Лекин бу иш билан бир шаҳарнинг ўзида муқим шуғулланиш ҳам хавфли эди. Шунинг учун улар вақти-вақти билан жой алмаштириб шаҳар кезадиган бўлишди. Уларнинг асосий харидорлари сафарга кетаётган ва ё ундан қайтаётган аёллар эди. Бу зот тилла тақинчоқларга ўч бўлишини қаллоблар яхши билишарди.

Шундай қилиб улар нечанеча аёлларни чув туширишди. Уларнинг тийинлаб йиққан пулларини қаллоблик билан юлиб олишди. Агар бир тасодиф туфайли бу товламачилар қўлга тушмаганларида билмадик, яна қанча-қанча оилаларни чирқиратишарди...

Ўтган йил октябрь ойининг сўнгги кунлари эди. Олой бозорининг хазонрез кўчаларидан бирида уч нотаниш йигит пайдо бўлди. Улар бозор расталарини олазарак роса кезишди, яхши кийинган аёллар орқасидан кузатишар, улар билан ниманидир суҳбатлашиш учун қулай жой ахтаришарди. Мана ниҳоят йигитлардан бири тақинчоқларга беланган бир аёлнинг қулоғига шипшиди:

— Вой, қани кўрайчи, — деди аёл йўқотган нарсани бирдан топиб олган кишидек қувониб.

А. Федоров қўлидаги қутичани очди. Шу замон аёлнинг кўзи яшнаб кетди.

— Неча пул?!

— Уч юз...

— Вой, ўлмасам, ёнимда ҳаммаси бўлиб юз эллик сўм бор эди-я!..

Тарвузи қўлтиғидан тушди аёлнинг.

— Агар шу ерда турсанглар ярим соатда уйдан пул олиб келаман.

— Йўқ, биз шошилиб турибмиз. Агар уйингиз йўл юзи бўлса ўзимиз бора қоламиз.

— Вой, йўл юзи. Шундоқ Юнусободда...

Аёлнинг сўзи оғзида қолди. Шу чоқ ерданми, осмонданми пайдо бўлган милиция кийимидаги кишилар уларнинг қўлларидан маҳкам тутишди. Шундай қилиб участка инспектори Раҳматжон Солиев, милиция хизматчилари Раҳматилла Усмонов, Абдужаббор Бўронов, халқ кўнгиллилари вакили Владимир Байдинлар бу учлик фаолиятига чек қўйишди.

Дастлаб милиция хизматчилари уларни қўлга киритган навбатдаги ўлжасини сотаётган ўғрилар бўлса керак, деган тахминда эди. Аслида эса иш бошқача бўлиб чиқди.

Ҳужжатларни текшириш, савол-жавоблар жараёнида бу гуруҳ аъзолари Бутуниттифоқ ҳисобидаги ашаддий хавфли жиноятчилар эканликлари аниқланди. Тинтув пайтида ушланганлар ёнида сариқ жездан тайёрланган ва «583» заргарлик сифат тамғаси туширилган қалбаки учта «олтин узук», 100 сўм чамасида пул ва 4 қоғоз ўрамидан иборат гиёҳванд аралашмаси чиқди. Терговни Киров район ички ишлар бўлими тергов бўлинмасининг бошлиғи Шомил Фатхуллин ва терговчи Игорь Кожуховлар олиб бордилар. Тергов ва суд жараёнида бу ўта кетган жиноятчиларнинг қилмиш-қидирмишлари очиб ташланди.

Учлик бошлиғи Геннадий Бартанов 1951 йилда Иркутск областида туғилган, миллати бурят. У шу кунгача ўғирлиги, безорилиги ва қасддан одам ўлдиргани учун 6 марта қамоқ жазосини ўтаб чиққан. Халқ суди Бартановни Бутуниттифоқ ҳисобидаги ўта ашаддий жиноятчи деб ҳам ҳукм чиқарди.

1989 йил апрель ойида Бартанов 10 йил жазо муҳлатини ўтагач Тошкентга келади. У шаҳарнинг Кучиринер кўчасида истиқомат қилувчи енгилтак бева аёл хонасидан бошпана топади. Ҳеч қаерда ишламай, рўйхатдан ўтмай, ҳеч нарсадан ҳазар қилмай «тирикчилик» ўтказади. Шу ерда 5 марта турли жиноятлари учун қамалиб чиққан Бутуниттифоқ қидирувида бўлган 1956 йилда Костромада туғилган Александр Федоров ва 3 марта қамоқ муҳлатларини ахлоқ тузатиш колонияларида ўтаб чиққан жиноятчи Олег Негодяевлар билан танишади. Уларнинг қандай дўстлашганини биз юқорида баён этдик.

Яқинда Киров районининг халқ судида судьялар Р. Акбаров, Р. Тўлаганов ва Э. Юсуповлар томонидан ушбу жиноий иш кўриб чиқилди. Бир неча кун давом этган суд жараёни Г. Бартановни 3 йилга, А. Федоров ва О. Негодяевларнинг ҳар бирини 2 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этиш билан якунланди. Жиноятчилар ҳукмни қаттиқ режимли қамоқхонада ўтайдилар.

Ушбу материал чоп этилаётган пайтда редакциямизга ўрта ёшлардаги бир аёл кириб келди. У ўзини таништиргач, шундай деди:

— Мен Олой бозорида ўтган йили нотаниш кишилардан арзон-гаров битта узук сотиб олган эдим. Эртасига билсам қалбаки экан...

Начора, устаси фаранглар-нинг қармоғига лаққа тушган Мукаррам Ҳуррамовага ўхшаш аёллар яна қанчадан-қанча экан. Балки улар ушбу сатрларни ўқиб ҳушёр тортишар.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.
Малик НУРИДДИНОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

29, 31 март, 8, 21, 29 апрель соат 19.00 да

ПРЕМЬЕРА

Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган маданият арбоби Абдуғани АБДУҒОФУРОВ асари
Анвар ЭРГАШЕВ мусиқаси.
«Аҳмоқлар чайқови»
(икки пардали мусиқали сатирик комедия)
Саҳналаштирувчи режиссёр — Алавутдин МУҲИТДИНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш ТОШМАТОВ.
Рассом — Анатолий СЛУГИН.
СПЕКТАКЛДА:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ҳусан Шарипов, Марьям Ихтиёрова, Нанна Пулатова, Фарзиддин Фаёзов;
артистлар: Файзулла Аҳмедов, Абдуҳолиқ Мамарасулов, Равшан Солиҳов, Ҳаким Носиров, Мушарраф Тўхтаева, Дилором Сафоева, Норпошша Ҳасанова, Турғун Бекназаров, Феруза Норқулова, Маъруф Отажонов, Боир Холмирзаевлар иштирок этади.
45-16-33, 45-36-55 телефонлари орқали буюртмалар қабул қилинади.

Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитети
ЁШЛАР УЙИ
Ўзбекистон Маданият фонди
Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети
РЕСПУБЛИКА «МУШТУМ» ЖУРНАЛИ
ШУ ЙИЛ МАЙ ОЙИДА

РЕСПУБЛИКА ЁШ ҚИЗИҚЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ
«ҚИЗИҚЧИ — 90» КОНКУРСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Конкурсда 35 ёшгача бўлган ўзи зукко, тили бурро, танилган ва танилмаган сўз усталари қатнашишлари мумкин.
Аризалар 20 апрелгача Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 5-уй, 205-хонада қабул қилинмоқда, телефон: 41-45-20.

ҲАММА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРНИ
1-«ДИНАМО» МАГАЗИНИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Шу ерда 29 мартдан 30 мартгача

Тошкентдаги «Орзу» чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт буюмларининг
САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ
Магазиннинг макони: Усмон Юсупов кўчаси, 2. Транспорт: 1, 4, 8, 18-троллейбуслар, 8, 11, 7, 27-трамвайлар, 28-автобуснинг «Ўрда» бекати.
1-«Динамо» магазини соат 10 дан 19 гача ишлайди. Танаффус соат 14 дан 15 гача.
1-«ДИНАМО» МАГАЗИНИ.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

7-АВТОБУС ПАРКИГА
кондукторлар, линия назоратчилари.
«ЎЗБЕКИСТОН» ЧАРМ-ПОЙАВЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:
техника хавфсизлиги бўйича инженер, ҳайдовчилар, автопогрузчиклар ҳайдовчилари, хўжалик юритишга ихтисослашган юрист ёки халқ хўжалигида иш стажига эга бўлган юрист.
Юристларни сайлаш конкурс асосида ўтказилади.
«ЛЕГПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:
турли ихтисосликдаги лойиҳачилар.
ФРУНЗЕ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА:
буфетчилар, ошпазлар.
«Главташкентстрой»нинг
«ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА
бош бухгалтер, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи ва инженерлари, машинисткалар, бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар.
«ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:
Бош бухгалтер ўринбосари, механик, инженер-технологлар, инженер-электрончи, ишлаб чиқариш-диспетчерлик бюросининг бошлиғи, асбобсоз слесарлар, ремонтчи-слесарлар, металларга ишлов берувчи слесарлар, водопроводчи слесарлар, штамповкачилар, қирқувчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:
АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космонавтлар проспекти, 6-уй.
ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.
КИРОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН БЎЛИМИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН БЎЛИМИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.
ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ — М. Ҳасанова кўчаси, 14-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ — Чилонзор кўчаси, 45-уй.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

«СОЮЗОРГЛЕСТЕХМОНТАЖ»нинг
ТОШКЕНТ МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ
ИШЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ностандарт ускуналар, саноат вентиляцияси ва пневматик ҳаракатга келувчи транспорт (буюртмачининг материаллари ҳисобига)ни тайёрлаш ва монтаж қилиш;
қозонлар ва иссиқлик техникаси ускуналарини ремонт қилиш, дефектоскопиялаш;
технология, электротехника ускуналарини монтаж қилиш ва созлаш, қозонларнинг сув режимини созлаш;
вентиляция системаларини аэродинамик синовдан ўтказиш, ПДВ (рухсат этилган энг сўнгги миқдордаги чиқитлар)ни аниқлаш;
экологик паспортни тузиб чиқиш;
вентиляция системалари ва пневматик ҳаракатланувчи транспортни лойиҳалаштириш.
Маълумотлар учун телефонлар — 58-46-95, 58-47-94, 58-47-73, 57-57-42.
Бошқарма жойлашган. макон: 700209, Тошкент шаҳри, Файзли кўчаси, 5-уй.

---

29 мартдан шаҳар кинотеатрлари экранларида
ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

«СЕВГИ ҲАҚИДА ГАПИРМАЙМИЗ»



Андрис Колбергнинг «ТОНГ САҲАРДА АВТОМОБИЛДА» романи мавзуида.
Сценарий муаллифи — Э. ЛАНС.
Режиссёр — В. БРАСЛА.
Ролларда: И. РУДОЛФА, М. АНДЕРСОНС, Л. КАКТИНЯ ва бошқалар.
РИГА КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
Замонавий ёш онила ҳаётидан олинган руҳий драма.

«АЙТГАНДАЙ»

(икки сериялы)



Сценарий муаллифи ва режиссёри — С. ОВЧАРОВ.
Ролларда: Р. БИКОВ, Н. ГУНДАРЕВА, Л. КУРАВЛЕВ ва бошқалар.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
М. Е. Салтиков-Шчедриннинг «БИР ШАҲАР ТАРИХИ» АСАРИ мавзуида муболағали ҳажвий комедия.

«ОДДИЙ АМЕРИКА»



Сценарий муаллифлари — П. ЭСТЕРХАЗИ, П. ГОТАР.
Режиссёр — П. ГОТАР.
Ролларда: А. ЛУКАЧ, Т. ХУСИЕР, С. АШАНИ ва бошқалар.
ВЕНГРИЯ КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
Фильм АҚШда саёҳатчилар гуруҳидан онгли равишда қолиб кетган ёш венгер йигитининг саргузаштлари ҳақида, унинг Нью-Йоркдаги саргардонликлари, дарбадарлиги ва фожиали ўлими ҳақида ҳикоя қилади.

«СУВНИНГ КЎТАРИЛИШИ»



Сценарий муаллифи — Л. ЖОУНС.
Режиссёр — Д. АРМСТРОНГ.
Ролларда: Д. АДЕЛЬ, Д. ДЭВИС, К. КАРВАН ва бошқалар.
АВСТРАЛИЯ КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.
Руҳий драманинг бош қаҳрамонлари — омади келмаган раққоса, унинг ўсмир қизи ва қариб қолган қайнотаси — ёлғиз, ҳамдардликка инсоний меҳрга муҳтож нозик табиатли кишилардир.
КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги ордени
Тошкент политехника институти
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мактаб ўқувчиларини кимё фанидан олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган бепул курслар ТАШКИЛ ЭТАДИ.
Машғулотлар 1 апрелдан бошлаб якшанба кунлари соат 10 да Т. Шевченко кўчаси, 1-уй, 33-хонада олиб борилади.

ТЕАТР

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида — 30/III да НАЖОТ ИСТАВ, 31/III да МИРЗО УЛУҒБЕК.

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида — 29/III да АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ, 30/III да АКА-УКА СОВЧИЛАР, 31/III да АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ.

Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театрида — 29/III да ОТАСИНИНГ ҚИЗИ, 30/III да ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ, 31/III да МАЙСАРАНИНГ ИШИ, ДРАМА АКТЕРЛАРИ КУЙЛАЙДИ, ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ (билетлар сотилган. 17.00).

КИНО

29, 30 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «КАСОС ВА ҚОНУН» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).
Чайка — «ВЕЙБАРС» (11.00), «КЭРРОЛ-СТРИТДАГИ УЙ» (18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «ХОНГИЛЬ-ДОН» (тоқ соатларда).
Нуқус — «СЕВИМЛИ РАДЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕВИМЛИ РАДЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Восток — «ТИРИК НИШОН» (11, 14.20, 17.40, 21.00).
Москва — «КЭРРОЛ-СТРИТДАГИ УЙ» (11, 13, 15, 17.00).

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ 41-ЎРТА МАКТАБ ҚОШИДА

8 йиллик тўлиқсиз ва 10 йиллик тўлиқ маълумот олиш учун

ЭКСТЕРН ГРУППА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: ариза, иш жойидан справка, 8-синф гувоҳномаси, расм.
Ҳужжатлар 1990 йил 1 майгача қабул қилинади.
Мактаб қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, «Гулобод» массиви, (Ц-26), 41-мактаб. Телефонлар: 42-24-14, 42-35-68.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари шаҳар партия комитети партия комиссиясининг раиси В. А. Шалуповга отаси
Афанасий Федорович ШАЛУПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент политехника институти ректорати, жамоат ташкилотлари «Чизма геометрия ва чизмачилик» кафедрасининг катта ўқитувчиси С. Тўлаҳўжаевга акаси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси
Туроб ТЎЛАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети-нинг ижроия комитети шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитетининг раиси
Александр Георгиевич ЛУКИНнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирид, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Киров ноҳияси ижроия қўмитаси молия бўлимининг аъзолари солиқлар бўйича бош тафтишчи-нозир А. О. Мўминжоновга отаси
Олимжон МЎМИНЖОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети жамоаси комитет инспектори, ёзувчи Дадахон Нурийга онаси
Тўхтахон ЖУРАВОЙ қизининг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар «Бахт уйи»нинг директори Б. Р. Шерматовага онаси
Ҳабиба ИМОМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яшнабадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 01197.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.